

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

**ШАХСИ НОМАЪЛУМ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
ВА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА ОЛИБ КЕЛИШ
АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, САҚЛАШ МУДДАТИ
ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ШАХСИ НОМАЪЛУМ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТ СОДИР
ЭТГАН ШАХСЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА ОЛИБ
КЕЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, САҚЛАШ МУДДАТИ ВА
РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Методик қўлланма

Тошкент 2007

67.99(2У)116.3я73

Ш–31

**Тузувчилар: З. Бобокалонов, А. Қулахмедов,
У. Расулев**

Ш–31

Шахси номаълум, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахсларни ички ишлар идораларига олиб келиш асослари, тартиби, сақлаш муддати ва расмийлаштириладиган хужжатлар. Методик қўлланма / Тузувчилар: З. Бобокалонов, А. Қулахмедов, У. Расулев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 88 б.

Ушбу методик қўлланмада шахси номаълум, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахсларни ички ишлар идораларига олиб келиш асослари, тартиби, сақлаш муддати ва озод қилиш билан боғлиқ расмийлаштириладиган хужжатлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Методик қўлланма фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг қонунга асосланмаган ҳолда ушланиши, ҳибсга олиниши ҳамда қамокда сақланишига йўл қўймаслик мақсадида тайёрланиб, ундан ички ишлар идораларининг барча ходимлари фойдаланишлари мумкин.

ББК 67.99(2У)116.3я73

Тақризчилар: Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи полковник **Х. Примқулов;**

ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи ю.ф.н., майор **Н. Т. Исмоилов**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007
© З. Бобокалонов, А. Қулахмедов, У. Расулев, 2007

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш ҳамда чет эл давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакати билан расман дипломатик алоқалар ўрнатган. Мустақил Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, кейинчалик ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Европа тикланиш ва тараққиёт банклари Ассоциацияси каби халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Ўзбекистон халқаро ташкилотларга аъзо сифатида ўз олдига демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдек юксак вазифани мақсад қилиб олди. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилотлар томонидан республикамиз олдига бир қатор талаблар ҳам қўйилди. Булардан асосийси мамлакатда инсон ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш вазифасидир. Бу эса мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг тегишли моддаларида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, кадр-қиммати, озодлиги ва хавфсизлиги, шаъни ва обрўйини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосини ташкил этади.

Бугунга келиб, бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича демократик принципларга асосланган. У, энг аввало, Конституция талабларига кўра, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди. Қонунларимиз фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган. Ҳеч ким суднинг қарорига асосланмай ёки прокурорнинг санкцияси бўлмайд туриб, ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида таъкидланганидек, «ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

Қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар идоралари ходимларига кенг ҳуқуқлар берилгани билан бир қаторда, улардан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта масъулият талаб қилинади. Жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қонунбузарлик ва жиноятда гумон қилинаётган шахсларни ички ишлар идораларига келтириш, ушлаб туриш, қамоққа олиш жараёнларида улардан қонунга тўлиқ асосланган ҳолда инсон ҳуқуқларини таъминлашлари талаб қилинади ва ички ишлар ходими инсон эркинлиги ва унинг дахлсизлик ҳуқуқини бузган ҳар бир ноқонуний ҳаракати учун қонун олдида жавоб бериши шарт.

Шундай оқибатларнинг олдини олиш, ҳар бир фуқаронинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг қонунга асосланмаган ҳолда ушланиши, ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу қўлланма тайёрланди.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ҚИЛГАН ШАХСНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахс, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби ҳамда табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган) ҳаракат ва ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ушлаб келтириш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 284-моддасида ёритилган бўлиб, унда кўрсатилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки ушбу баённомани тузишга ваколатли бўлган бошқа шахс томонидан ички ишлар идоралари ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш биносига олиб келинган шахс бу ерда **бир соатдан ортиқ** ушлаб турилиши мумкин эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285-моддасида ушлаб келтириш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораси тариқасида қуйидаги мақсадларда қўлланиши кўрсатилган:

- ўзга таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан сўнг маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш;
- ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни жойида тузиш имкони бўлмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш;
- ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий

йўл билан ушлаб туриш;

– шахсни шахсий кўриқдан ўтказиш, унинг ашёларини кўздан кечириш;

– транспорт воситасини кўздан кечириш;

– ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш учун.

Таъкидлаш жоизки, мазкур моддада назарда тутилган мақсадларда шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ҳамда ашё ва ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 288-моддасига асосан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш **уч соатдан ортиқ** давом этмаслиги лозим.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56(оз миқдордаги гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар), 57(таносил касаллиги ёки ОИТС юқадиган манбани яшириш), 58(таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши), 61(оз миқдорда талон-торож қилиш), 90(ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини бузиш), 164-модда 2-қисми (ЁММ билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш), 170(валюта бойликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш), 183(майда безорилик), 184(жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш), 184I(диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш), 184i(миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш), 191(қимор ўйнаш), 194(милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик), 195(милиция ходимининг ўз хизмат бурчларини бажаришига қаршилик қилиш), 201(йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш), 204(фавқулодда ҳолат тартиби талабларини бузиш), 205(фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш), 206(маъмурий назорат қоидаларини бузиш), 210(жазони ўташ жойларида, махсус даволаш – олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбиявий муассасаларда сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш)-моддаларида, 225-моддаси 1-қисмида (Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир

этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органининг бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) кўриб чиққунига қадар, лекин **24 соатдан кўп** бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баён-нома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса – улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси 2-қисмига асосан, чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун **уч соатгача** муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаш пайтидан бошлаб **24 соат** ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, **уч суткагача** ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурор санкцияси билан **ўн суткагача** муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг дахлсизлик ҳуқуқи 2005 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонун билан белгилаб қўйилган.

Маъмурий тартибда ушланган шахсларни озод қилиш асослари ва тартиби

Маъмурий тартибда ушланган шахслар ушлаб туриш муддати тугагач ушланганларни сақлаш ҳибсхонасидан озод қилинади.

Бундан ташқари, ушланган шахслар маъмурий тартибда қуйидаги асослардан бири бўлганида ушлаш вақти тугамаса ҳам озод қилинадилар:

- а) маъмурий шахси аниқланиб, маъмурий қайднома тўлдирилгач;
- б) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасига асосан, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бекор қилиниши лозим бўлган ҳолатлар аниқланганида;
- в) ички ишлар органи бошлиғи (ўринбосари) ёки ички ишлар бўлинмаси бошлиғи томонидан маъмурий жазо белгилаш ёки ишни ёпиш ҳақида қарор қабул қилинганида;

г) ушланган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик иши чора кўриш учун судга юборилганида;

д) прокурор, ички ишлар органининг бошлиғи (вазифасини бажарувчи) ёки навбатчилик қисмини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқи бўлган ички ишлар органи вакилининг кўрсатмасига кўра.

Фуқароларни асоссиз равишда маъмурий тартибда ушланган шахслар хонасига жойлаштирган, сақлаб туриш муддати ёки тартибини бузган ички ишлар органининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва норматив ҳужжатларига кўра жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий тартибда ушланган шахсни озод қилишда оператив навбатчи қуйидагиларга эътибор қилиши шарт:

– бўшатилаётган шахснинг айнан шу шахс эканлигига ишонч ҳосил қилиши;

– маъмурий қайдномага ва ички ишлар органига олиб келинганларни қайд қилиш китобига белги қўйиш;

– ҳуқуқбузардан олиб қўйилган нарсалар, ҳужжатлар, пул ва қимматбаҳо буюмларни (ҳуқуқбузарликка алоқадор буюмлар, улар ҳал бўлгунга қадар, қидирувда бўлган, фуқаролик муомаласидан чиқарилган буюмлар, сохта ҳужжатлардан бошқа нарсаларни) бериш. Ҳуқуқбузар қимматбаҳо буюмлари, ҳужжатларини олганлиги ҳақида маъмурий қайдномага имзо қўяди;

– ушланган шахснинг сўровига биноан вақти ва сабаби кўрсатилган маълумотнома бериш;

– ушланган шахс бўшатилаётган вақтда соғлиғи ёмонлашганидан шикоят қилган тақдирда, у қариндошларига топширилади ёки тиббиёт муассасаларига юборилади.

Маъмурий тартибда ушланган шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида маъмурий тартибда ушланган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят

беришга ҳақлидир.

Башарти шахснинг содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда уни маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт.

Изоҳ: Маъмурий тартибда ушланган шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ёзилган матн ички ишлар органига олиб келинганларни муҳокама қилиш хонаси (агар у йўқ бўлса, УСХга кириш)даги деворга осиб қўйилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларини олиб қўйиш тартиблари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 284–294-моддаларида акс эттирилган.

Маъмурий қамоққа олиш (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 29-моддаси)

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади. Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар амалиётда ҳозиргача қўлланилаётган собиқ Иттифоқ ИИВнинг 1971 йилдаги 356-сонли, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1995 йил 31 майдаги 147-сонли буйруқлари асосида “Маъмурий тартибда қамалганларни сақлаш махсус муассасасида” ушлаб турилади.

**ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган
хужжатлар намуналари**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**


СИРДАРЁ ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

**Ички ишлар бўлимига келтирилган шахсни
3 соатгача ушлаб туриш учун ИИБ ходимлари
томонидан расмийлаштириладиган хужжатлар**

ЙИЃМАЖИЛДИ

Сирдарё шаҳри – 2007 й.

**Фуқароларни 3 соатгача
муддатда ушлаб туриш тартиби, сақлаш жойлари**



Изоҳ: Ички ишлар идораларига келтирилган фуқаронинг ҳуқуқлари бузилмаслиги учун масъул мансабдор шахслар:

- а) ҳуқуқбузарни олиб келган ИИБ ходими;
- б) ИИБ тезкор навбатчиси;
- в) ИИБ бошлиғи ва ИИБ раҳбариятидан масъул шахс.

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Н. БОБОХОНОВга

Б И Л Д И Р Г И

Ушбу билдирги орқали Сизга шуни маълум қиламанки, менинг текширувимда, туман ИИБ котибиятида 12 март куни «Э-19» рақами билан қайд этилган, 1978 йил туғилган, Сирдарё шаҳар Сирдарё кўчаси, 12-уйда яшовчи фуқаро Эрназаров Нодирнинг ёзма аризаси мавжуд эди.

Эрназаров Нодир ўз аризасида 11 март куни соат 18⁰⁰ да у Дехқон бозорига харид қилиш учун борганида уни таниши фуқаро Норматов Икром маст ҳолатда учратиб қолганлигини ва ҳеч бир сабабсиз унинг шахсиятига тегиб, одамлар орасида ҳар хил ёмон сўзлар билан ҳақорат қилганлигини баён этган.

Юқоридагиларга асосланиб, фуқаро Норматов Икромни навбатчилик қисмида вақтинча ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 286-моддасига асосан, унга нисбатан хужжатларни расмийлаштиргунга қадар 3 (уч) соат ушлаб туришга рухсат беришингизни сўрайман.

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори
катта лейтенант

Ш. Мирзаев

13. 03.2007 й.

Изоҳ: Билдиргига раҳбар ўз муносабатини билдириб ёзади.

БАЁННОМА

(Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида)

2007 йил 11 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев, холислар:

1) Ҳакимов С. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшайди.)

2) Ашуров Н. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшайди.)

иштирокида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 286-моддасига асосан ушбу баённомани қуйидагилар ҳақида туздим: ушбу кун соат 18⁰⁰ ларда фуқаро 1980 йилда туғилган Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 55-уйда истикомат қилувчи, вақтинча ишламайдиган, оилали, муқаддам судланмаган Норматов Икром Усмонович Сирдарё шаҳар деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Эрназаров Нодирни ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, унинг шахсиятига тегиб, жамоат тартибини бузгани учун унга нисбатан деҳқон бозори ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси 1-қисмига асосан ҳужжатларни расмийлаштиришнинг иложи бўлмаганлиги учун Сирдарё тумани ИИБга соат 19⁰⁵ да келтирилди ва 3 (уч) соатга ушлаб қолинди.

Мазкур баённома ҳозир бўлганлар олдида овоз чиқариб ўқилди. Қўшимча таклифлар, аризалар тушмади деб имзо қўювчилар:

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ

профилактика инспектори

катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Холислар:

**С. Ҳакимов,
Н. Ашуров**

Баённома билан танишдим:

И. Норматов

БАЁННОМА

(Шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисида)

2007 йил 13 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев, холислар:

1) Ҳақимов С. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшайди.)

2) Ашуров Н. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшайди.)

иштирокида Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Норматов Икром Сирдарё туман ИИБга олиб келиниб, унинг ички ва ташқи кўринишлари текширилди ва унда ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Холислар:

**С. Ҳақимов,
Н. Ашуров**

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори
катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи,
Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшовчи, 1970
йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон
бозорида ошпаз бўлиб ишловчи фуқаро
Ҳакимов Санжардан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўрикдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда холис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жараёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

С. Ҳакимов

Тушунтириш хатини олувчи:

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшовчи, 1975 йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон бозорида тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаро Ашуров Нодирдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўриқдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда холис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жараёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

Н. Ашуров

Тушунтириш хатини олувчи:

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

СИРДАРЁ ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

**Ички ишлар бўлимига келтирилган шахсни
24 соатгача ушлаб туриш учун ИИБ ходимлари
томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар**

ЙИҒМАЖИЛДИ

Изоҳ: 24 соатгача ушлаш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 288-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун ИИБ раҳбари ёки маъмурий ишлар бўйича судья бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

Сирдарё шаҳри – 2007 й.

Ички ишлар идораларига олиб келинган фуқароларни 24 соатгача муддатда ушлаб туриш тартиби, сақлаш жойлари



Изоҳ: Ички ишлар идораларига келтирилган фуқаронинг ҳуқуқлари бузилмаслиги учун масъул мансабдор шахслар:

- а) ҳуқуқбузарни олиб келган ИИБ ходими;
- б) ИИБ тезкор навбатчиси;
- в) ИИБ бошлиғи ва ИИБ раҳбариятидан масъул шахс.

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник
Н. БОБОХОНОВга

Б И Л Д И Р Г И

Ушбу билдирги орқали Сизга шуни маълум қиламанки, менинг текширувимда туман ИИБ котибиятида 12 март куни «Э-19» рақами билан қайд этилган, 1978 йил туғилган, Сирдарё шаҳар, Сирдарё кўчаси, 12-уйда яшовчи фуқаро Эрназаров Нодирнинг ёзма аризаси мавжуд эди.

Эрназаров Нодир ўз аризасида 11 март куни соат 18⁰⁰ да у деҳқон бозорига харид қилиш учун борганида уни таниши фуқаро Норматов Икром маст ҳолатда учратиб қолганлигини ва ҳеч бир сабабсиз унинг шахсиятига тегиб, одамлар орасида ҳар хил ёмон сўзлар билан ҳақорат қилганлигини баён этган.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳамда Сирдарё туман маъмурий ишлар бўйича судянинг иш куни тугаганлигини эътиборга олиб, фуқаро Норматов Икромни навбатчилик қисмида вақтинча ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 288-моддасига асосан, унга нисбатан ҳужжатларни расмийлаштиргунга **қадар 24 (йигирма тўрт)** соат ушлаб туришга рухсат беришингизни сўрайман.

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ

профилактика инспектори

катта лейтенант

Ш. Мирзаев

13. 03.2007 й.

Изоҳ: Билдиргига раҳбар ўз муносабатини билдириб ёзади.

БАЁННОМА

(Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида)

2007 йил 11 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани ИИБ ҚООБ профилактика инспектори катта лейтенант Ш.Мирзаев, холислар:

1) Ҳакимов С. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшайди.)

2) Ашуров Н. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшайди.)

иштирокида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 286-моддасига асосан ушбу баённомани қуйидагилар ҳақида туздим: ушбу кун соат 18⁰⁰ ларда фуқаро 1980 йилда Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи, вақтинча ишламайдиган, оилали, муқаддам судланмаган Норматов Икром Усмонович Сирдарё шаҳар деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Эрназаров Нодирни ҳар хил ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, унинг шахсиятига тегиб, жамоат тартибини бузгани учун унга нисбатан деҳқон бозори ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси 1-қисмига асосан ҳужжатларни расмийлаштиришни иложи бўлмаганлиги учун Сирдарё тумани ИИБга соат 19⁰⁵ да келтирилди ва 20³⁰ га қадар расмийлаштирилди.

Фуқаро Норматов Икром Усмонович ўзига нисбатан ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида жабрланувчи Эрназаров Нодирга нисбатан тан жароҳати етказиш тўғрисида ҳар хил таҳдидли гапларни баён қилди. Фуқаро Норматов И. У. томонидан жиноят содир этишлигини олдини олиш мақсадида унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар туман судида тўлиқ кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 288-модда 3-қисмини қўллаб Норматов Икром Усмоновични маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар 24 (йигирма тўрт) соат давомида туман ИИБ навбатчилик қисмида ушлаб турилсин.

Мазкур баённома ҳозир бўлганлар олдида овоз чиқариб ўқилди. Қўшимча таклифлар, аризалар тушмади деб имзо қўювчилар:

Сирдарё тумани ИИБ ҚООБ профилактика инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Холислар:

**С.Ҳакимов,
Н.Ашуров**

Баённома билан танишдим:

И. Норматов

БАЁННОМА

(Шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисида)

2007 йил 13 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев, холислар:

1) Ҳакимов С. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшайди.)

2) Ашуров Н. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшайди.)

иштирокида Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Норматов Икром Сирдарё туман ИИБга олиб келиниб, унинг ички ва ташқи кўринишлари текширилди ва унда ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Холислар:

**С. Ҳакимов,
Н. Ашуров**

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори
катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Изоҳ: Бу ҳужжатлардан сўнг ҳуқуқбузарни шахсий кўриқдан ўтказиш баённомаси юқорида келтирилган тартибда ўтказилади ва ички ишлар бўлимига олиб келинган фуқароларни қайд этиш китобида қайд этилади. Ҳуқуқбузарликни қайд этиш баённомаси (юқорида келтирилган) тузилади. Ҳуқуқбузарнинг яшаш жойидан маълумотнома олинади. Ҳуқуқбузарнинг маҳалласи ва иш жойидан тавсифнома олинади, Шаҳар ёки туман судига хат орқали материал юборилади.

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник
Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи,
Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшовчи, 1970
йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон
бозорида ошпаз бўлиб ишловчи фу-
қаро Ҳақимов Санжардан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Ш.Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўрикдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда холис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жа-
раёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

С. Ҳақимов

Тушунтириш хатини олувчи:
Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник
Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи,
Бинокор кўчаси 3-уйда яшовчи, 1975
йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон
бозорида тадбиркорлик билан шуғул-
ланувчи фуқаро Ашуров Нодирдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Ш. Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўрикдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда холис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жараёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

Н. Ашуров

Тушунтириш хатини олувчи:
Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Ички ишлар органига олиб келинган шахсларни ҳисобга олиш китобининг ички варағи

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган вақти ва жойи	Янаш манзилгоҳи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат серияси ва тартиб рақами. Ким томондан ва қачон берилган	Ишлаш жойи, (ўқиш жойи) лавозими	Олиб келинганлигининг сабаби (қачон, қаерда, қандай шароитда ҳуқуқ бузган)	Ким томондан олиб келинган	Қачон олиб келинган (қуни ва соати)	Шахсий текширув натижаси ҳақида баённома, унинг рақами	Олиб келинганга қандай чора қўрилди ёки қаерга юборилди	Қўйиб юборилган (жўнатилган) кун ва вақти
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Норматов Икром Усмонович	1980 й. Сирдарё тумани	Сирдарё ш., Ёшлик кўчаси, 55-уй. Паспорт СС 0021787. Сирдарё тум. ИИБдан 03.08.2001 йил берилган	Вақтинча ишламайдими	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵ да Сирдарё ш. дехкон бозорида ЎзР МЖКнинг 183-м. 1-қисми диспозициясини бузганлиги учун	Профилактика инспектори Ш. Мирзаев	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵	1-рақамли баённома	Туман судига чора қўриш учун юборилди чиқиш № 18 12.03.2007 й.	11.03.2007 й. Соат 20 ³⁰ да
2	Ашуров Усмон	1960 й. Фарғона вилояти	Янаш жойининг тайини йўқ	Дайди	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵	Профилактика инспектори Примов Б.	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵ да	2-рақамли баённома	ППХ ва ЖТСБ РЭМга юборилди	14.01.2007 й. Соат 14 ³⁰ да
3	Кубаев Иброҳим Лутфуллаевич	1979 й. Самарқанд вилояти Челақ ш.	Челақ ш., Ойбек кўчаси, 4-уй Паспорт СН 0215418 Челақ ш. ИИБдан 03.05.1997 йил берилган	Вақтинча ишламайдими	Жиноят содир этиб қидирувда бўлганлиги учун	ЖК ва УЖКҚБ тезкор вакили Лутфуллаев	5.01.2007 й. Соат 17 ¹⁵ да	ЖПКнинг 221-моддаси бўйича 3-рақамли		

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

СИРДАРЁ ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

**Маъмурий қамок жазоси берилган шахсларнинг
ички ишлар идоралари ходимлари томонидан
расмийлаштириладиган ҳужжатлари**

ЙИҒМАЖИЛДИ

Сирдарё шаҳри – 2007 й.

Қ А Р О Р

(Маъмурий қамокқа олиш тўғрисида)

2007 йил 16 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани Жиноий ишлар бўйича суд раиси М. Мелиев, А. Усмонов котиблигида Сирдарё тумани ИИБдан 2007 йил 15 март куни 215-чиқиш рақами билан қайд этилиб, судда кўришлик учун келган фуқаро 1980 йилда туғилган, Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи, вақтинча ишламайдиган, оилали, муқаддам судланмаган Норматов Икром Усмоновичга нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Яъни, фуқаро 1980 йилда туғилган, Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи, вақтинча ишламайдиган, оилали, муқаддам судланмаган Норматов Икром Усмонович 2007 йил 11 март куни соат 18⁰⁰ ларда Сирдарё шаҳар деҳқон бозорида ҳеч бир сабабсиз спиртли ичимлик истеъмол қилиб, фуқаро Эрназаров Нодир Давлатовични ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, унинг шахсиятига тегиб, жамоат тартибини бузган. Ушбу ҳолатни гувоҳ Қамбаров Анвар тасдиқлаб кўрсатма берган.

Юқоридагиларга асосланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303, 306, 307, 310 ва 183-модда 1-қисмини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 1980 йилда туғилган, Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи, вақтинча ишламайдиган, оилали, муқаддам судланмаган Норматов Икром Усмоновичга 10 (ўн) сутка маъмурий қамок берилсин.
2. Фуқаро Норматов Икром Усмоновичдан ҳар суткасига энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида давлат божи ундирилсин.
3. Қарорни ижро этиш Сирдарё туман ИИБга юклатилсин.

Жиноят ишлари бўйича

Сирдарё тумани Судининг раиси (имзо ва муҳр)

Котиб:

М. Мелиев

А. Усмонов

Қарор «Pentium» компьютерида чоп этилди.

Ички ишлар органига олиб келинган шахсларни ҳисобга олиш китобининг ички варағи

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган вақти ва жойи	Яшаш манзил-гоҳи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат серияси ва тартиб рақами. Ким томондан ва қачон берилган	Ишлаш жойи, (ўқиш жойи) лавозими	Олиб келинган-лигининг сабаби (қачон, қаерда, қандай шариҳда ҳуқуқ бузган)	Ким томондан олиб келинган	Қачон олиб келинган (кун ва соати)	Шахсий текширув натижаси ҳақида баённома, унинг рақами	Олиб келинганга қандай чора кўрилди ёки қаерга юборилди	Қўйиб юборилган (жўнатирилган) кун ва вақти
1	Норматов Икром Усмонович	1980 й. Сирдарё тумани	Сирдарё ш. Ёшлик кўчаси, 55-уй. Паспорт СС 0021787. Сирдарё тум. ИИБдан 03.08.2001 йил берилган	Вақтинча ишламайдди	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵ да Сирдарё ш. дехқон бозорида Ўз.Рес.МЖКнинг 183-м. 1-қисми диспозициясини бузганлиги учун	Профилактика инспектори Мирзаев Ш.	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵	1-рақамли баённома	Туман судига чора кўриш учун юборилди чиқиш № 18 12.03.2007 й.	11.03.2007 й. Соат 20 ³⁰ да
2	Ашууров Усмон	1960 й. Фарғона вилояти	Яшаш жойининг тайини йўқ	Дайди	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵	Профилактика инспектори Примов Б.	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵ да	2-рақамли баённома	ППХ ва ЖТСБ РЭМга юборилди	14.01.2007 й. Соат 14 ³⁰ да
3	Қубаев Иброҳим Лутфуллаевич	1979 й. Самарқанд вилояти Челак ш.	Челак шаҳар Ойбек кўчаси, 4-уй. Паспорт СН 0215418 Челак ш. ИИБдан 03.05.1997 йил берилган	Вақтинча ишламайдди	Жиноят содир этиб кидирувда бўлганлиги учун	ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили Лутфуллаев	5.01.2007 й. Соат 17 ¹⁵ да	ЖПКнинг 221-мод-даси бўйича 3-рақамли		

БАЁННОМА

(Шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисида)

2007 йил 13 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев, холислар:

1) Ҳакимов С. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшайди.)

2) Ашуров Н. (Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшайди.)

иштирокида Сирдарё шаҳар, Ёшлик кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Норматов Икром Сирдарё туман ИИБга олиб келиниб, унинг ички ва ташқи кўринишлари текширилди ва унда ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Холислар:

**С. Ҳакимов,
Н. Ашуров**

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори
катта лейтенант

Ш. Мирзаев

УШЛАНГАН ШАХСНИ ШАХСИЙ ТИНТУВ ҚИЛИШ ҲАҚИДА Б А Ё Н Н О М А

2007 йил « 5 » январь

Гулистон шаҳар

(шаҳар, туман номи)

Гулистон шаҳар ИИБ УЖК ваТҚКГ тезкор вакили А. Элибоев

(тинтув ўтказган шахснинг мансаби, унвони, исм-шарифи)

Холислар: 1. Каримов Мурод. (Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 47-уй, 4-хонадон)
(исм-шарифи, яшаш жойи)

2. Эрбеков Ҳасан. (Гулистон шаҳри, 4-мавзе, 16-уй, 5-хонадон)
(исм-шарифи, яшаш жойи)

иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси асосида ушланган Самарқанд вилояти, Челак шаҳри, Ойбек кўчаси, 4-уйда яшовчи Кубаев Иброҳим Лутфуллаевични

(яшаш жойи)

(Ф.И.Ш)

шахсий тинтув ўтказдим.

Холислар ва тинтув ўтказилаётган шахсга уларнинг ЖПКнинг 48,74-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди:

1. _____
(имзо)

2. _____
(имзо)

3. _____
(имзо)

Ушланган шахс _____ қора ранг чарм куртка, жигар ранг телпак, қора рангли костюм шим, кўк рангли свитер, қора ранг туфлида

(эғнидаги кийим-кечаклари)

тинтув натижасида ушланган шахсдан қуйидагилар топилди ва олиб қўйилди: хеч
нарсга олинмади

Тинтув вақтида қуйидаги ариза ва шикоятлар киритилди _____ тушмади _____

Ушланган шахс _____ Кубаев И. _____

Холислар: 1. Каримов М. _____ 2. Эрбеков Х _____

Тинтув ўтказган шахс _____ Элибоев А. _____

Тинтув вақтида олинган буюмлар _____
(сонли жинойт ишига қўшилди)

(мансаби, унвони)

(Ф.И.О.)

(имзо)

Тинтув вақтида олинган буюмларни қайтариб олдим _____

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Тинтув вақтида олинган буюмларни ушланган шахсга қайтардим:

Гулистон шаҳар ИИБ УЖКваТҚКГ т/в _____ Элибоев А. _____

(мансаби, унвони, Ф.И.О.)

(имзо)

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи,
Ёшлар кўчаси, 10-уйда яшовчи, 1970
йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон
бозорида ошпаз бўлиб ишловчи фуқаро
Ҳакимов Санжардан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори катта лейтенант Ш. Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўрикдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда ҳолис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жараёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

С. Ҳакимов

Тушунтириш хатини олувчи:

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Н. БОБОХОНОВга

Сирдарё шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Бинокор кўчаси, 3-уйда яшовчи, 1975 йилда туғилган, миллати ўзбек, деҳқон бозорида тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаро Ашуров Нодирдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2007 йил 13 март куни профилактика инспектори катта лейтенант Ш Мирзаев йўлдан ўтиб кетаётган вақтимда туман ИИБ бўлимига таклиф қилиб, фуқаро Норматов Икромни шахсий кўрикдан ўтказишда иштирок этишимни айтди ва мен бу текширувда холис сифатида иштирок этдим. Фуқаро Норматов Икромни текшириш жараёнида унинг ички ва ташқи кўринишларида ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

13.03.2007 й.

(имзо)

Н. Ашуров

Тушунтириш хатини олувчи:

Сирдарё тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант

Ш. Мирзаев

МА Ё Л У М О Т Н О М А

2007 йил 13 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё шаҳар марказий тез ёрдам бўлимнинг шифокори Каримов Аҳмад Каримкулович 1980 йилда туғилган фуқаро Норматов Икром Усмоновични тиббий кўрикдан ўтказдим. Унда ҳеч қандай касаллик аломатлари аниқланмади.

Шифокор

А. К. Каримов

Изоҳ: Маъмурий қамоққа олинган шахс ВУТИнинг маъмурий қамоққа олинганларни ҳисобга олиш китобига киритилиб, жазо муддати тугагунга қадар ВУТИда сақланади.

Жазо муддати тугагандан сўнг, шахсий тинтув давомида олинган нарсалар фуқарога қайтарилиб берилади ва ундан тилхат олинади.

ШАХСИ НОМАЪЛУМ ВА ДАРБАДАРЛИК, ТИЛАМЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИИБГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Амалиётда ҳозиргача қўлланилаётган собиқ Иттифоқ ИИВнинг 1970 йил 12 майдаги 140-сонли буйруғига асосан, шахси номаълум, ўзида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, дарбадарликда гумон қилинаётган, аниқ яшаш жойи ва машғулоти турига эга бўлмаган шахслар ички ишлар идорасига келтирилганида, уларга нисбатан ҳужжатлар тўпланиб, ушбу шахсни вилоят ИИБ «Аниқ яшаш жойи ва машғулоти турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази» (РЭМ)га жойлаштириш учун туман ёки шаҳар ИИБ раҳбари тасдиқлаган ва прокурор рухсат берган қарор билан 30 суткагача жойлаштирилади ва ушбу буйруққа асосан бундай шахслар билан РЭМ шахсий таркиби иш олиб боради.

Дарбадар ва тиламчилик билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларни реабилитация этиш марказига ёки яқинроқ ИИБга келтириш ички ишлар бўлими ходимлари ва реабилитация этиш маркази ходимлари томонидан амалга оширилади. Реабилитация этиш марказлари ушланган шахсларни сутка мобайнида қабул қилади. ИИБ ходими тиламчилик ва дарбадарлик билан шуғулланган шахсни ушлаб келтирилганида бу ҳақда билдирги (рапорт) тузиб, унда ушланган шахснинг тўлиқ исми шарифини, ушланиш вақти, ҳолати ва жойини кўрсатади. Келтирилган шахснинг анкета маълумотлари шахсда бор бўлган ҳужжатлар асосида, ҳужжатлар бўлмаганида шахснинг оғзаки кўрсатмасига асосан билдиргига киритилади. Шу тоифадаги шахслар фуқаролар томонидан келтирилганида, улардан ёзма равишда ариза олинади ёки оғзаки кўрсатмасига асосан ариза баённомаси навбатчи ходим томонидан тузилади.

Уч соат вақт давомида ИИБ раҳбари (РЭМ) ёки ўринбосари, улар бўлмаганда тезкор навбатчи келтирилганнинг шахсини текшириш учун ушлаш-ушламаслик масаласини ҳал этади.

ИИБ ёки (РЭМ) ходими шахсни дарбадарлик ёки тиламчилик қилгани учун ушлаш ҳақида асосланган қарор чиқаради. Қарор бошлиқ томонидан тасдиқланади. ИИБ раҳбари ёки унинг ўринбосари бўлмаганида ушлаб келинган шахсни тезкор навбатчи ушлаб туришлик учун камерага жойлаштиради ва бу тўғрида бошлиққа маълум қилади.

Шахс ушлангандан сўнг 24 соат вақт ичида тўпланган ҳужжатлар ва қарор билан назорат қилувчи прокурорга тақдим этилади.

Ушлаш ҳақидаги қарорга прокурор томонидан розилик берилгандан сўнг, бу ҳақда ушланган шахсга қарор эълон қилиниб, имзо қўйдирилади.

Тиламчилик ва дарбадарлик учун ушланган ҳар бир шахс тинтув қилинади. Тинтув камида жинси бир хил бўлган икки холис иштирокида ўтказилади ва ушбу тинтув баённома билан расмийлаштирилиб, тинтув ўтказган шахс, тинтув қилинган шахс ва холислар томонидан имзоланади.

Тинтув даврида олиб қўйилиши шарт бўлган ашёлар:

- курол-яроғ, портловчи, заҳарли ва гиёҳвандлик воситалари;
- пул, қимматбаҳо қоғозлар, заргарлик буюмлари;
- гармдори, туз, спиртли ичимликлар, чой;
- РЭМга бириктирилган тиббиёт ходими томонидан рухсат берилмаган дори-дармонлар;
- шарфлар, белбоғлар, камарлар, ботинка боғичлари;
- шиша идишлар, ўткир кесувчи буюмлар;
- ҳужжатлар;
- уч сутка нормасидан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари.

Шахсий тинтув даврида олинган буюмларнинг белгилари, рақами баённомада батафсил ёритилади. Олинган ўқ-отар, совуқ курол, патронлар ЭКБ ва Ахборот марказида текширилгандан сўнг вилоят ИИБ хўжалик бўлимига топширилади.

Портловчи моддалар, тез таъсир қилувчи заҳарли моддалар тегишли давлат органларининг омборларига топширилади.

Олиб юриш ва сақлаш тақиқланган буюмлар олинган тақдирда, зудлик билан қонуний чора кўришлик учун суриштирув органига хабар берилади.

Қолган буюмлар, ашёлар, ҳужжатлар ушланган шахс ушланиш муддати давомида калити тезкор навбатчида турадиган махсус шкафларда сақланади.

РЭМ навбатчиси ушланган шахсни қабул қилаётган пайтда қарордаги маълумотларнинг тўғрилигини ушланган шахс билан мулоқот ўтказиб текширади ва тақдим этилган буюмларни тинтув баённомаси билан таққослаб текширади.

Дарбадарлик ва тиламчилик учун РЭМга келтирилган шахс қайд этиш журналида рўйхатдан ўтказилади, шахснинг бармоқ излари олинади, у тиббий ва санитар кўриқдан ўтказилади. Унинг кийими ва

буюмлари дезинфекция қилинади.

Хужжатсиз РЭМга келтирилган шахслар фотосуратга туширилади.

Дарбадарлик ва тиламчилик учун келтирилган ҳар бир шахс амалдаги буйруқларга асосан тўлиқ текширувдан ўтказилиши шарт. Ушбу текширувнинг асосий мақсади дарбадарлик ва тиламчилик учун ушланганнинг тўлиқ шахсини аниқлашдан иборат бўлади.

Ушланган шахсларнинг жиноий фаолият билан шуғулланганликларини ёки ҳокимият органларидан яшириниб юрганлигини аниқлаш мақсадида РЭМда амалдаги буйруқ ва кўрсатмаларга қатъий риоя этган ҳолда тезкор ҳаракатлар олиб борилади.

Ушланган шахсга нисбатан текширув ўтказилаётган вақтда ушланган шахс тергов ва суриштирув органлари томонидан содир қилган жинояти учун қидирилаётган ва унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, ушбу шахс зудлик билан РЭМдан маҳбусларни вақтинча ушлаб туриш изоляторига юборилади.

РЭМда сақланаётган шахслар озиқ-овқатлар билан ВУТИда сақланаётган маҳбуслар нормасида таъминланадилар. Худди шундай катталар билан биргаликда сақланаётган уларнинг вояга етмаган болалари ҳам белгиланган нормада озиқ-овқат билан таъминланиши шарт.

РЭМдан қочган шахсни ушлаш пайтида унга нисбатан қурол ишлатилиши тақиқланади.

Ушланган шахс РЭМдан навбатчи томонидан озод этилади, бунга текширув ўтказган ходимнинг раҳбар томонидан тасдиқланган қарори асос бўлади. Қарор озод этилаётган шахсга эълон қилинади. Бундан ташқари РЭМда сақланаётган шахсни озод қилишга прокурорнинг ёзма кўрсатмаси асос бўлади.

Озод қилинганларга тилхат орқали уларнинг пуллари, буюмлари, хужжатлари қайтариб берилади. Сақлаш ва олиб юриш тақиқланган буюмлар бундан мустасно.

Озод этилаётган шахс билан РЭМ бошлиғи ёки ўринбосари суҳбат ўтказиб, унга текинхўрларча ҳаёт кечиришни тугатиш тўғрисида тушунтириш беради ва огоҳлантирилиб, ундан тилхат олинади. РЭМдан озод қилинаётган уй-жойи, қаровчиси бўлмаган 55 ёшдан ошган аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар хужжатлар асосида қариялар уйига жойлаштирилади.

**ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган
хужжатлар намуналари**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ
ГУЛИСТОН ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ**

**Аниқ яшаш жойига ва машғулот турига эга бўлмаган,
1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган фуқаро
Ашуров Усмонга нисбатан тўпланган хужжатлар**

ЙИҒМАЖИЛДИ

Гулистон шаҳри – 2007 й.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

Б И Л Д И Р Г И

2007 йил 14 январь куни соат 11³⁰ ларда «Тозалаш» тадбири давомида Гулистон шаҳар деҳқон бозори худудида ўз сўзидан 1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган фуқаро Ашуров Усмонни тўхтатиб ҳужжатларини сўраганимда, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди.

Фуқаро Ашуров Усмонга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори
лейтенант

Б. Примов

Изоҳ: Шаҳар, туман ИИБ бошлиғи билдиргига спориш қўяди.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

Ўз сўзидан: 1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган, яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган фуқаро Ашуров Усмондан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман: мен 1960 йил Фарғона вилоятида туғилганман. 1990 йил оилам билан фарзанд бўлмаганлиги сабабли ажрашиб, уйдан чиқиб кетганман. Шу вақтга қадар ҳар жойда қурувчи, чўпон ва нонвой бўлиб, ҳар кимникида яшаб юрибман.

2007 йил 10 январь куни электропоезд билан Гулистон шаҳри ҳудудига келиб деҳқон бозорида ҳар кимнинг ишларини қорин тўй-ғазиш эвазига бажариб юрибман. Бу ерда борар жойим ва танишларим йўқ. Паспортимни қачон, қаерда йўқотганимни эслай олмайман. Бугун 14 январь куни ички ишлар ходимлари мени бозорда кўриб қолиб ҳужжатларимни сўрашди. Ҳужжатим йўқлиги боис ИИБга олиб келишди.

Тушунтириш хати менинг сўзларим билан тўғри ёзилди ва овоз чиқариб ўқиб эшиттирилди.

У. И. Ашуров

(имзо)

Тушунтириш хатини олди:
Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори лейтенант

Б. Примов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник **Р. Худойбергенов**

2007 йил «__» январь

«РОЗИМАН»
Гулистон шаҳар прокурори
адлия маслаҳатчиси **А. Мустаев**

2007 йил «__» январь

□ А Р О Р

*(Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Реабилитация этиш марказига
топириш тўғрисида)*

Мен, Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори лейтенант Б. Примов «Тозалаш» тадбири давомида 1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган фуқаро Ашуров Усмонга нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Яъни ўз сўзидан 1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган, фуқаро Ашуров Усмон 2007 йил 10 январь куни Жиззах вилоятидан электропоездга чиқиб, Гулистон шаҳар худудига келиб тушиб қолганлигини ва 1990 йилда оиласи билан ажрашиб кетиб, шу кунга қадар муқим бир жойда яшамай ҳар кимнинг ишини қилиб, кун кўриб юрганлигини ва шахсини тасдиқловчи паспортини қачон ва қаерда йўқотганлигини билмаслигини билдириб, туман ИИБ бошлиғи номига тушунтириш хати берган.

Юқоридагиларга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўз сўзидан 1960 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган, фуқаро Ашуров Усмонни Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ РЭМга юборилсин.

2. Қарор нусхаси шаҳар прокурорига юборилсин.

Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори лейтенант

Б. Примов

Қарор билан танишдим:

(имзо)

У. Ашуров

Сирдарё вилояти ИИБ Манзил
маълумот бюроси бошлиғи
Т. К. АБДУЛЛАЕВАга

Фуқаро Ашуров Усмон 1960 йил Фарғона вилоятида туғилган га
нисбатан манзил маълумоти беришингизни сўрайман.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. Худойбергенов

(Сўров хатининг орқа томони)

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

Фуқаро Ашуров Усмон 1960 йил Фарғона вилоятида туғилган га
нисбатан Сирдарё вилояти ИИБ ХЧК ва ФБ қошидаги манзил
маълумот бюросида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас.

Сирдарё вилояти ИИБ Манзил
маълумот бюроси бошлиғи

Т. К. АБДУЛЛАЕВА

БАЁННОМА

(Шахсий тинтув ўтказиш тўғрисида)

2007 йил 14 январь

Гулистон шаҳри

Мен, Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ РЭМ навбатчиси лейтенант Ш.Шавканов, холислар:

1) Ҳакимов С. (Гулистон шаҳар, 1-мавзе 6\3 да яшайди.)

2) Ғофуров А. (Гулистон шаҳар, 2-мавзе 5\4 да яшайди.)

иштирокида йиртиқ қора чапон кийган, оёғида ковуш, эгнида майкаси бор, бошига эски қалпоқ кийган ППХ ва ЖТСБ РЭМга олиб келинган фуқаро Ашууров Усмонни шахсий тинтув ўтказдим. Ўтказилган тинтув натижасида ҳеч қандай қимматбаҳо ашёлар олинмади.

(имзо)

У. Ашууров

Тинтув ўтказдим: ППХ ва ЖТСБ РЭМ
навбатчиси лейтенант

Ш. Шавканов

Холислар:

**С. Ҳакимов,
А. Ғофуров**

МА Ё Л У М О Т Н О М А

2007 йил 13 март

Сирдарё шаҳри

Мен, Сирдарё шаҳар марказий тез ёрдам бўлимининг шифокори Каримов Аҳмад Каримқулович 1960 йилда туғилган фуқаро Ашуров Усмонни тиббий кўриқдан ўтказдим. Унда ҳеч қандай касаллик аломатлари аниқланмади ва вақтинчалик ушлаб туриш изоляторида сақлаш мумкин.

Шифокор

А. К. Каримов

Изоҳ: Ички ишлар бўлимига дайдиликда гумон қилиниб келтирилган шахс ИИБга олиб келинган шахсларни қайд этиш китобида белгиланган тартибда қайд этилади. РЭМга топширилган шахс РЭМнинг 1-китобида қайд этилиб, муддати тугагунга қадар ёки шахси аниқлангунга қадар РЭМда сақланади.

Муддати тугагандан сўнг, шахсий тинтув давомида олинган нарсалар фуқарога қайтарилиб, ундан тилхат олинади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ
РЭМ бошлиғи подполковник

С. ТОШМАТОВ

2007 йил 5 февраль

Қ А Р О Р

(РЭМ дан озод этиш тўғрисида)

2007 йил 5 февраль

Гулистон шаҳри

Мен, Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ РЭМ суриштирувчиси сержант А. Ҳасанов 2007 йил 14 январь куни РЭМга келтирилган ва 2007 йил 5 февраль кунига қадар РЭМда сақланган фуқаро Ашуrow Усмонга нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Фуқаро Ашуrow Усмон 1960 йил 5 август куни Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, оиласи билан ажрашган, фарзандлари йўқ, ишламайди. Гулистон шаҳрига тирикчилик ўтказиш мақсадида келган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд эмас. Гулистон шаҳар прокуратурасидан ушлаб туриш тўғрисидаги рухсат муддати тугаганлиги муносабати билан

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Фуқаро Ашуrow Усмон Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ РЭМдан озод этилсин ва унга уч ой муддатга шахсини тасдиқловчи 9-форма маълумотнома берилсин.

Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ РЭМ
суриштирувчиси сержант:

А. Ҳасанов

Қарор билан танишдим:

У.Ашуrow

5.02.2007й.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2005 йил 3 августдаги 210-сонли буйруғига асосан болалар ва ўсмирлар куйидаги ҳолларда ВЕОҲООБга олиб келиниши мумкин:

1) жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган, жамоат тартибини бузган ёки жамоат таъсири ёки маъмурий жазо чоралари қўлланиладиган ҳуқуқбузарлик содир этганларида;

2) махсус мактаблар ёки махсус ҳунар-техника билим юртларига ёки даволаш-тарбиялаш ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига юбориш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда ёки ушбу муассасаларга кузатиб бориш зарурияти бўлган ҳолларда;

3) махсус мактаблар, махсус ҳунар-техника билим юртлари, даволаш-тарбиялаш ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва бошқа муассасалардан ўзбошимчалик билан кетиб қолганларида;

4) 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар ўзбошимчалик билан оиладан чиқиб кетганларида;

5) тиламчилик қилиб юрганларида;

6) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўзбошимчалик билан оиласини ташлаб кетган ва шахси аниқланмаган, ёрдамга муҳтож ёки давлат ва жамоат томонидан назорат қилишни талаб этадиганлар;

7) ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг қаровига муҳтож 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар, агар уларга давлат ва жамоат томонидан ёрдам берилиши зарур бўлса;

8) адашган ва ташлаб кетилган вояга етмаганлар шахсини аниқлаш учун ВЕОҲООБ ходими Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 17 сентябрдаги 239-сонли буйруғига асосланади.

Юқорида кўрсатилган 6-7 ҳолатлар юзасидан ВЕОҲООБга олиб келинган шахслар 8 соатгача, қолган ҳолатлар бўйича олиб келинганлар эса уч соатгача бўлган муддатларда ВЕОҲООБ ходими хонасида ушлаб турилади ва белгиланган муддати тугагандан кейин ота-

онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилардан тилхат олиниб, уларга топширилади (1-илова).

Жиноят содир қилган ва жиноий жавобгарликка тортилиши қонун билан белгиланган ёшдаги вояга етмаганлар, одатда, ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмига келтириладилар.

Гиёҳванд, спиртли ичимликлар ва бошқа воситалар таъсирида бўлган вояга етмаганлар, уларнинг шахсини аниқлаш, ота-оналари ёки уларнинг ўринларини босувчилар ҳақида маълумот олиш, ҳодисанинг тафсилотларини аниқлаш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузиш учун, одатда ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмига олиб борилади, сўнгра қуйидагиларга топширилади:

а) ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчиларга;

б) болалар уйи, мактаб-интернат ва вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва болалар муассасалари маъмуриятининг масъул вакилларига;

в) агар ўсмир гиёҳванд воситалар таъсирида ёки алкоголь мастлигининг оғир даражасида бўлса, баданига шикаст етказилган ёки 14 ёшга тўлмаган бўлса, соғлиқни сақлаш-даволаш муассасаси вакилларига.

Алкогол таъсиридан ёки бошқача мастлик (гиёҳванд ва бошқа моддалар) ҳолатидаги ўсмирлар ота-оналари ва бошқа шахсларга берилишларидан олдин белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтиш учун соғлиқни сақлаш идорасининг даволаш-муассасасига, туман (шаҳар) шифохонасига юборилади.

Вояга етмаганларни топшириш санаси ва вақти ҳақида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги тўғрисидаги далолатнома ва ички ишлар идораларига олиб келинганларнинг ҳисоб дафтарига белги қўйилади.

Ташлаб кетилган вояга етмаганлар олиб келинганлиги ҳақидаги далолатнома уч нусхада тузилади, унга ички ишлар идорасининг ходими, болани олиб келган шахс ва холислар имзо қўядилар.

Далолатноманинг биринчи нусхаси ҳодисалар ҳисоб дафтарида рўйхатга олиниб, ички ишлар идорасининг бошлиғига маълум қилинганидан кейин, вояга етмаганнинг ҳаётини хавф остида қолдиришга айбдор ҳисобланган шахсларни аниқлаш учун ЖК ва ТҚКБга берилади, жиноий иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ишларини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Далолатноманинг иккинчи нусхаси вояга етмаган билан бирга даволаш-тарбиялаш муассасасига ёки ёшига қараб вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига юборилади.

Далолатноманинг учинчи нусхаси вояга етмаганни қабул қилган ходимларнинг тилхати билан ВЕОҲООБда икки йил мобайнида сақланади ва кейин белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Адашган вояга етмаганларни ВЕОҲООБга олиб келинганлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, унга ички ишлар идоралари ходимлари ва адашганни олиб келган шахс имзо қўядилар.

Адашган вояга етмаганларни соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари ёки вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига юборилган тақдирда далолатноманинг бир нусхаси вояга етмаган билан бирга юборилади, иккинчи нусхаси болани қабул қилган шахснинг тилхати билан ВЕОҲООБда икки йил сақланади ва кейин йўқ қилинади.

Уч ёшгача бўлган ташлаб кетилган ёки адашган болалар, жойлардаги соғлиқни сақлаш идоралари билан келишилган ҳолда улар олиб келинганлиги ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси билан кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган махсус муассасаларга жойлаштирилади.

Ташлаб кетилган ва адашган вояга етмаганларда касаллик аниқланган ҳолларда (ёшидан қатъи назар), уларни дарҳол яқинроқдаги болалар ёки бошқа тиббиёт муассасасига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Уч ёшли ва ундан катта ёшдаги ташлаб кетилган ва адашган вояга етмаганлар, агар саккиз соат ичида уларнинг шахси аниқланмаса ёки ота-оналари ёхуд уларнинг ўринларини босувчилар топилмаса, уларга болаларни бериб юбориш имконияти бўлмаса ҳамда уларни бериб юбориш учун кўп вақт сарфланса ёки болаларнинг ҳаёти хавф остида қоладиган бўлса, улар вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жўнатиладилар.

Ташлаб кетилган ва адашган болалар соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар идораси ходимларининг кузатувида жўнатилади ёки кўрсатилган муассаса маъмурияти вакили орқали юборилади.

Жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшда ғайриижтимоий хатти-ҳаракат натижасида жамоат таъсири ёки маъмурий жазо чоралари қўлланадиган ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар, ўзбошимчалик билан оиладан чиқиб кетган 16 ёшга тўлмаганлар ва шахси аниқланмаган, ёрдамга муҳтож ёки давлат ва жамоат томонидан назорат қилишни талаб этадиган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилади ва бу ҳақда ВЕОҲООБ ходими асослантирилган қарор чиқаради. Ушбу қарор ИИИ ҳамда улар тасарруфидаги ички ишлар бўлинмалари бошлиқлари ёки ўринбосарлари, жойлардаги прокуратура ходимлари томонидан тасдиқланади.

ВЕОҲООБга олиб келинган вояга етмаганлар, агар уларни ушлаш ёки вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилишига етарли асослар бўлмаса, улар ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, ўзлари тарбияланаётган мактаб-интернатлар, болалар уйлари ёки бошқа болалар муассасаларининг вакилларига топшириладилар, айрим ҳолларда яшаш жойларига мустақил равишда жўнатиладилар. Вояга етмаганни ота-оналари, мансабдор шахсларга топширилгани ёки мустақил жўнатиб юборилган вақти ҳақида ВОЕҲООБга олиб келинган вояга етмаганларнинг қайд қилиш китобига белги қўйилади.

«Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари» давлат ва жамият томонидан ёрдам кўрсатилишига муҳтож уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, шунингдек майда ҳуқуқбузарликлар содир қилган вояга етмаганларни вақтинча сақлайди ва уларни оилаларига қайтариш, меҳрибонлик уйлари ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш чораларини амалга оширади.

Марказга қуйидаги тоифадаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

- а) ташлаб кетилганлар;
- б) адашиб қолганлар;
- в) 16 ёшга тўлмаган, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахси бўлмаганлиги туфайли қаровсиз қолганлар;
- г) болалар ва ўсмирларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига юбориладиган, алоҳида тарбия шароитларига муҳтож бўлганлар;

- д) даволаш-тарбиялаш муассасаларига юбориладиганлар;
- е) оиласидан ўзбошимчалик билан кетган 16 ёшга тўлмаганлар;
- ж) оиласидан ўзбошимчалик билан кетган, давлат ва жамият томонидан ёрдам кўрсатилишига муҳтож ёки назорат қилиниши зарур бўлган шахси аниқланмаган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар;
- з) махсус ўқув-тарбия, даволаш-тарбиялаш ёки бошқа болалар муассасаларидан ўзбошимчалик билан кетганлар.

Ичкилик, гиёҳванд ёки токсик моддалар истеъмол қилиб маст бўлганлар, касаллик белгилари кўриниб турган руҳий касаллар, жиний жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшда жиноят содир этганлар, уч ёшга тўлмаган болалар Марказга жойлаштирилмайдилар.

Марказга юқорида санаб ўтилган тоифадаги вояга етмаганларни жойлаштиришда ички ишлар бошқармаси, бўлими, уларнинг жойлардаги милиция бўлинмалари, транспорт ички ишлар идоралари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланган қарор асос бўлади.

Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар тўғрисида 24 соат ичида ҳудудий шаҳар, туман прокурорларига хабар берилади.

Марказда вояга етмаганларни қабул қилиш ишлари туну-кун давомида амалга оширилади. Марказга жойлаштиришдан олдин вояга етмаганлар шахсий кўрикдан ўтказилади. Кўрик мансабдор шахслар томонидан Марказнинг бошқа икки ходими ёки келтирилган бола билан жинси бир хил бўлган холислар иштирокида ўтказилади ва бу тўғрида баённома тузилади.

Марказга жойлаштирилган барча ўсмир ва болалар «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказига келтирилган вояга етмаганларни ҳисобга олиш дафтари» да рўйхатга олинадилар ва уларни ҳисобга олиш-статистик варақаси тўлдирилади.

Марказга жойлаштирилган вояга етмаганларнинг ҳар бирига «Ҳисобга олиш йиғмажилди» очилиб, унда Марказга жойлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар, боланинг ёши, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тўғрисида маълумотлар билан бирга, соғлиғи ҳақидаги маълумотнома, алоҳида тарбиявий чора-тадбирларнинг ўтказилиши ҳақидаги ҳужжатлар, уни рағбатлантириш, шахсий кўрикдан ўтказиш баённомаси, кийим-кечаклари рўйхати ва бошқа

ҳужжатлар тўпланади. Ҳисобга олиш йиғма жилди марказда сақланиш даврида тарбиячилар томонидан юритилиб, марказ бошлиғи ёки ўринбосари томонидан назорат қилинади.

Марказда вояга етмаганларнинг сақланиш муддати 30 кунгача. Суднинг вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига юбориш тўғрисидаги қарори бажарилишини таъминлаш учун вояга етмаган шахс марказда сақланиши мумкин, у бу ерда барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгунга қадар, тегишли вазирликнинг йўлланмаси олингунича 30 кун сақланади. Фавқулодда ҳолатларда вояга етмаган шахсни Марказда амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда сақлаб туриш муддати ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг прокуратура билан келишилган қарорига кўра, 15 кунгача узайтирилиши мумкин.

20 кун давомида шахси аниқланмаган ўсмир Марказ жойлашган соғлиқни сақлаш муассасасига ёшини аниқлаш учун суд-тиббий гувоҳлантиришга юборилади. Суд-тиббий гувоҳлантириш кўригидан ўтказилган шахс 18 ёшга тўлганлиги аниқланганда уни «иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация қилиш маркази»га жойлаштириш ёки унга нисбатан қонунда кўзда тутилган бошқа чоралар қўллаш масаласини ҳал қилиш учун марказ жойлашган ҳудуддаги ички ишлар идорасининг навбатчилик бўлимига дарҳол топширилади. Вояга етмаганни шахси аниқлангандан кейин 24 соат мобайнида шаҳар, туман ички ишлар идорасига, ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ҳамда тегишли идоралар ва жамоат ташкилотларига унинг сақланаётган жойи тўғрисида маълумотлар юборилади.

Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслари мавжуд бўлган вояга етмаганлар, Марказ ходимлари кузатувида оилаларига ёки уларни олиб кетиш учун келган ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилади. Паспортига ва доимий яшаш жойига эга бўлган 16 ёшли ва ундан катта ўсмирлар Марказ бошлиғининг ёзма рухсатига кўра, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳузурига мустақил равишда юборилиши мумкин. Вояга етмаганнинг уйларига кетишдаги йўл харажатлари Марказ томонидан берилади.


Ўқув-тарбия, даволаш ёки бошқа болалар муассасаларига жой-

лаштириш учун йўлланма олинган ёки судларнинг даволаш-тарбиялаш муассасасига юбориш ҳақида қарорлари мавжуд бўлган ўсмирлар, кўрсатилган болалар муассасаларига Марказ ходимлари кузатувида жўнатилади.

Ота-онаси ва яшаш жойи ноаниқ бўлган вояга етмаганларни Даволаш-тарбиялаш муассасаларига тиббий маълумотнома асосида жўнатилаётганида Марказ ходимлари уларни шахсий йиғмажилди ва тиббий маълумотнома билан бирга юборади.

Марказда сақланаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшовчи вояга етмаганлар яшаш жойларига уларни олиб кетгани келган ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки ўша минтақанинг бунга ваколати бўлган бошқа вакиллари турли сабабларга кўра ўсмирларни олиб кетишга келмаган ёки рад этган ҳолларда, бу вояга етмаганлар транзит вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказининг ходимлари кузатувида олиб борилади.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ИИИ ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган ишлар жадвали



**ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган
хужжатлар намуналари**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

ГУЛИСТОН ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

**Вояга етмаган Ашуров Алижон Усмоновичга
нисбатан тўпланган хужжатлар**

ЙИҒМАЖИЛДИ

Гулистон шаҳри – 2007 й.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

Б И Л Д И Р Г И

2007 йил 10 январь куни соат 17³⁰ ларда «Тозалаш» тадбири давомида Гулистон шаҳар улгуржи бозори ҳудудида тахминан 9 ёшлардаги ўз сўзидан 1995 йилда Боёвут туманида туғилган, миллати ўзбек, Боёвут тумани 13-ўрта мактаб 3-синф ўқувчиси Боёвут тумани 1-Боёвут ширкатлар уюшмаси марказий маҳалласида истиқомат қилувчи Ашуров Алижон Усмонович қаерга боришини билмай, адашиб юрганини кўрдим. Вояга етмаган А. У. Ашуров шу куни онаси И. Ашурова билан Гулистон шаҳар улгуржи бозорига хўжалик учун зарур молларни олгани келиб, харид қилиш чоғида онасидан адашиб қолганини ва уйига қандай йўл билан боришини билмаслигини баён қилди.

Улгуржи бозор маъмурияти томонидан овоз кучайтиргич орқали бир неча маротаба бола йўқолганлиги тўғрисида эълон қилинганига қарамай ҳеч қандай танишлари чиқмади.

Вояга етмаган А.У. Ашуровни Сирдарё вилояти ИИБ ВЕИХЎКМга топшириш учун расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори лейтенант

Б. Примов

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. Худойбергеновга

1995 йилда Боёвут туманида туғилган, миллати ўзбек, Боёвут тумани 13-ўрта мактаб 3-синф ўқувчиси Боёвут тумани 1-Боёвут ширкатлар уюшмаси марказий маҳалласида истиқомат қилувчи Ашуров Алижон Усмоновичдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман: 2007 йил 10 январь куни онам И. Ашурова билан Гулистон шаҳар улгуржи бозорига келиб, хўжалик учун савдо-сотиқ қилмоқчи эдик. Бозорни айланиб юриб, тасодифан онамни йўқотиб қўйдим. Тахминан 2 соат давомида онамни излаб тополмадим. Шунда кўчада милиция ходимлари мени кўриб ушлаб олишди ва мендан кимсан, қаердансан деб сўрашди. Мен бўлган воқеани баён қилдим. Уйга қандай бориш йўлини билмайман.

Тушунтириш хати ўз сўзларим билан тўғри ёзилди ва менга ўқиб эшиттирилди.

А.У. Ашуров

(имзо)

«Тараққиёт» маҳалласи
Тарбиячи-педагоги

Л. Бегматова

Тушунтириш хатини олди:
Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ
профилактика инспектори лейтенант

Б. Примов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. Худойбергенов

2007 йил «10» январь

Қ А Р О Р

*(Болалар ва ўсмирларни Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам
кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида)*

2007 йил «10» январь

Соат 19¹⁰

Мен, Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори лейтенант Б. Примов
(мансаби, унвони, фамилияси, отасининг исми)

вояга етмаган Ашуров Алижон Усмонович 1995 йил 5 январь куни

(фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, ойи, куни,

Боёвут туманида туғилган, Боёвут тумани 13-мактаб 3-синф ўқувчиси,

туғилган жойи, ўқиш, ишлаш жойи, лавозими, ота-онаси ҳақида биографик

1-Боёвут ширкатлар уюшмаси марказий бўлимида истиқомат қилувчи, ота-

маълумотлар, уларнинг яшаш, ишлаш жойи, лавозими)

онаси тўғрисида тўлиқ маълумотларни билмайди

Унга нисбатан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

2007 йил 10 январь куни Гулистон шаҳар улгуржи бозори ҳудудида адашиб қолган

(вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказига жойлаштириш

бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси ИИИларининг ВЕИХЎКМ тўғрисидаги Низом»нинг

3-бўлим 22-моддаси «б» бандида кўрсатилган воқелик содир бўлган

тафсилотлари, Низомнинг қайси бандига мувофиқ Вояга етмаганларга ижтимоий-

ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига юборилаётгани кўрсатилади).

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Вояга етмаган Ашуров Алижон Усмонович

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Сирдарё вилояти ИИБ ҲООБ

(Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг номи)

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига юборилсин.

Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика
инспектори лейтенант

(имзо)

Б. Примов

БАЁННОМА

(Вояга етмаганларни (ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази хонасида)
шахсий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида)

2007 йил «10» январь

Соат 20⁴⁵

Мен, ВЕИХЁКМ тартиб навбатчиси сержант Б. Саилов
(мансаби, унвони, фамилияси, отасининг исми)

қуйидаги шахслар иштирокида Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ
(вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий

инспектори лейтенант А. Ҳасанов, ВЕИХЁКМ ошпази М. Муротова.

ёрдам кўрсатиш маркази ходимининг мансаби, унвони, фамилияси ёки

(«Аҳиллик» маҳалласи, У.Ҳайём кўчаси, 5-уйда яшайди).

иштирок этган шахслар, ҳолисларнинг фамилияси, яшаш жойи)

Шахсий кўриқдан ўтказдим:

1. Вояга етмаган Ашуров Алижон Усмонович 1995 йил туғилган

(фамилияси, исми, отасининг исми ёки ижтимоий-ҳуқуқий

Ўз.Рес.ИИБнинг 17 сентябрь 2002 йилдаги 239-сонли буйруғи билан тасдиқланган

Низомнинг 22-моддаси «б» бандига асосан

ёрдам кўрсатиш марказига келтириш асослари)

кўриқ давомида олинди: ҳеч нарса олинмади

(олинган буюмларнинг номи, сони ва белгилари, паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома

олинганда серияси, рақамли сони, қачон ва ким томонидан берилганлиги кўрсатилади)

Вояга етмаганнинг имзоси: А. Ашуров

2. Олинган пул, зеб-зийнатлар, ҳужжатлар ва буюмларнинг қайтарилгани тўғрисида
маълумот _____

(қайси буюмлар, ҳужжатлар ва олинган бошқа нарсалар кимга қайтарилди, унинг

фамилияси, яшаш жойи)

(буюмларни қайтарган ходимнинг имзоси)

(буюмларни қабул қилган шахснинг имзоси)

АНКЕТА

(Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган вояга етмаган тўғрисида)

1. Фамилияси, исми, отасининг исми Ашуров Алижон Усмонович
2. Туғилган жойи, йили, оғи, куни 1995 йил 5 январь Боёвут туманида
3. Миллати Ўзбек
4. Яшаш жойи Боёвут тумани 1-Боёвут ш/у марказий маҳалласи
5. Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, иш жойи Онаси, Ашурова Иноят ишламайди, 1-Боёвут ш/у марказий бўлимида яшайди, отаси Ашуров Усмон Боғдод ф-х да ишчи, онаси билан бирга яшайди.
лавозими _____
6. Вояга етмаганнинг ўқиш жойи, иш жойи, лавозими Боёвут тумани 13-мактаб 3-синф ўқувчиси
(агар ўқимайдиган _____
ишламайдиган бўлса, қайси вақтдан бери, нима сабабдан, аввал қаерда ўқиган, _____
ишлаган, қаровсизлик сабаблари) _____
7. Ушбу шаҳар, туманга қачон ва нима учун келган
Гулистон шаҳар улгуржи бозорига онаси билан хўжаликка керакли нарсаларни харид қилиш учун келган
8. Қачон, қаерда ва нима учун ушланган ва қабул қилиш муассасасига ким томонидан олиб келинган
2003 йил 10 январь куни ота-онасидан адашиб қолгани учун ушланган ва Гулистон шаҳар ИИБ ВЕОҲООГ ходимлари томонидан олиб келинган
(илгари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам
муқаддам олиб келинмаган _____
кўрсатиш марказига келтирилганми)
шахсан ўзи келган _____
9. Илгари милиция томонидан ушланганми, қачон ва нима сабабдан: жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилган, ВЕОҲООГ ҳисобида турганми.
Олиб келинмаган

ОҒЗАКИ ТАВСИФ

1. Бўйи: 130 см

2. Қадди-қомати тик

3. Кўзининг ранги қора

4. Сочининг ранги қора

5. Қошлари қора сийрак

6. Тури (тип) текис

7. Алоҳида белгилари (бадани ва тери қопламларидаги камчиликлар; татуировкалар; нутқидаги, руҳий ҳолатидаги камчиликлар ва хоказо)
мавжуд эмас

Катта тарбиячи, тарбиячи: майор Э. Саъдиев

(унвони, фамилияси)

ДАЛОЛАТНОМА
(Вояга етмаганни топшириш тўғрисида)

2007 йил «11» январь

Соат 10¹⁵

Мен, Сирдарё вилояти ИИБ ВЕИХЎКМ тартиб навбатчиси милиция сержанти Б. Соилов
(мансаби, унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми)

вояга етмаган Ашуров Алижон Усмонович

(фамилияси, исми, отасининг исми,

болалар муассасасига топширилганда унинг тўлиқ номи, йўлланма тартиб сони,

мансабдор шахсларнинг фамилияси кўрсатилади.

Отаси Ашуров Усмон паспорти СС 0021341 Боёвут тумани ИИБдан 1996 йил 10 мартда берилган

ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи

шахсларга топширилганда, фамилияси, исми, отасининг исми,

қариндошлик даражаси, паспортининг серияси, тартиб рақами,

качон ва ким томонидан берилган ўсмирларни қабул қилиб олган

шахснинг яшаш жойи кўрсатилади)

Вояга етмаган билан бирга қуйидаги буюмларни, пулларни, хужжатларни топширдим:
хеч қандай нарса олинмаган

(баён этилсин)

Изох: Сирдарё вилояти ИИБ ВЕИХЎКМ тартиб навбатчиси милиция сержанти Б. Соилов
(мансаби, фамилияси, имзоси)

қабул қилдим: Ашуров Усмон

(болани қабул қилган шахснинг фамилияси, имзоси)

2007 йил «11» январь

Т И Л Х А Т

Мен, Акрамов Бахтиёр Усмонович (паспорт СС 0023432 Гулистон шаҳар ИИБдан 10 январь 2001 йил берилган) Гулистон шаҳар, 1-мавзе, Дўстлик кўчаси, 3-уй, 7-хонадонда яшайман. Гулистон шаҳар ИИБ ВЕОҲООГ хонасидан 1990 йилда туғилган ўғлим, Усмонов Исмоилни қабул қилиб олдим. Милиция ходимларига эътирозим йўқ.

10.01.2007 й.

(имзо)

Б. У. Акрамов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ- ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ УШЛАБ ТУРИШ ВА ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, МУДДАТЛАРИ

Ушлаб туриш асослари, тартиби ва муддатлари. Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Иш қўзғатилганидан кейин ушлаб туришга фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганида ушлаб турилиши мумкин:

– шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

– жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

– унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ, ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши, ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Мазкур тақиб ЎзР ЖПКнинг 221-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ушлаб туриш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди, яъни улар жиноят устида ёки уни содир этганидан кейин қўлга тушган ҳолларда.

Милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муоамалага лаёқатли ҳар қандай шахс ЎзР ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 224-моддасида жиноят иши

қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби тўғрисида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунга кўра милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки фуқаро бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг кўрсатувлари бўйича ушбу кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан бири мавжудлигини аниқласалар, гумон қилинувчига жиноят содир этгани учун ушланганлигини билдиришлари ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришни талаб қилишлари шарт. Бундай ҳолларда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланганнинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва олиб қўйишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилгандан сўнг холислар ҳузурида тузилиши мумкин.

Бундай ҳолларда жиноятни содир қилишда гумон қилинувчини ушлаб келтирган ички ишлар ходими ушбу ҳолат бўйича ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма равишда билдирги билан мурожаат қилади. Билдиргига ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан ёзма равишда жиноят содир қилишда гумон қилиниб ушлаб келтирилган шахсни ЖПКнинг 225-моддаси асосида ушлашлик тўғрисида муносабат билдирилган тақдирда ИИБ тезкор навбатчиси ёки жиноят содир қилишда гумон қилинувчини ушлаб келтирган ваколатли шахс томонидан ЎЗР ЖПКнинг 225-моддаси асосида ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилади ва ушланган шахс ИИБнинг вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилади. Ушланган шахс вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин Ички ишлар органига олиб келинган шахсларни ҳисобга олиш китобига қайд қилинади. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят содир қилишда гумон қилинувчини ЖПКнинг 225-моддаси асосида ушлашликни амалга оширган ИИБнинг ваколатли мансабдор шахси бу тўғридаги ҳужжатларни зудлик билан расмийлаштириши ва 24 соат ичида материал бўйича жиноят иши қўзғатиш масаласини ёки материални терговга юборишликни ҳал этиши лозим.

Жиноят иши қўзғатилгандан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати давомида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туриш-

нинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор гумон қилинувчини ушлашлик тўғрисида қарор чиқаради. Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ЎзР ЖКнинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки суд дарҳол хабардор қилиниши лозим.

Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамокда сақлаш тўғрисида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Прокурор қарор чиқариш олдидан ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддасига асосан ушлаб туриш баённомаси тузилади ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1998 йил 10 декабрдаги 250-сонли буйруғига асосан шахс қарор билан ушланган тақдирда, ушлаб туриш баённомаси ички ишлар идораси оператив навбатчиси томонидан тўлдирилади ва тўлиқ ушбу модда талабларини бажариб, бу ҳақда прокурорга хабар беради.

Ушлаб туриш ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб 72 соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Шу муддат ичида ушланганга нисбатан айб эълон қилиниши, уни қамокқа олиш масаласи ҳал этилиши лозимдир. Акс ҳолда ушланган шахс озодликка қўйиб юборилиши ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилиши керак.

Ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан кейин у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса авахтага жойлаштирилади.

Ушлаб турилганлар эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақланаётганлардан ёки ҳукм бўйича жазони ўтаётганлардан алоҳида сақ-

ланиши лозим. Жиноят содир қилишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар махсус камераларда қуйидаги талабларга мувофиқ жойлаштирилади:

– эркаклар аёллардан алоҳида сақланади;

– вояга етмаганлар – катталардан алоҳида сақланади. Айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг рухсати билан катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади;

– ўта хавфли рецидивистлар алоҳида сақланади.

Айни битта жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан алоҳида сақланади. Ушлаб турилганлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан бошқа сабабларга кўра ҳам алоҳида сақланишлари мумкин.

Ушлаб турилганларни озод қилиш асослари ва тартиби (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 234-моддаси асосида)

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар, башарти:

1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;


2) ушлаб турилган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса;

3) белгиланган ушлаб туриш муддати тугаган бўлса, озод қилинадилар.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларни ушлаб туриш тартиби жадвали



**ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштирилдиган
хужжатлар намуналари**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

ГУЛИСТОН ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

**Жиноят иши қўзғатилгунга қадар Ўзбекистон
Республикаси ЖПК нинг 225-моддаси асосида
ушлаб туришда тузиладиган процессуал
хужжатларнинг намуналари**

ЙИҒМАЖИЛДИ

Гулистон шаҳри – 2007 й.

Гулистон шаҳар ИИБ ТБ бошлиғи
подполковник
И. ЭШОНҚУЛОВга

Сизнинг ихтиёрингизга, 1970 йилда туғилган Каримов Собир Нурматович томонидан фуқаро Шарипова Ҳалимага қасддан оғир тан жароҳати етказганлик ҳолати юзасидан тўпланган материаллар қонуний ҳал этишлик учун юборилмоқда.

Ўз навбатида шуни маълум қиламизки, фуқаро Каримов Собир Нурматович Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддасига асосан ушланиб, Гулистон шаҳар ИИБнинг вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланмоқда.

Илова: материаллар «___» варақда.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. Худойбергенов

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

Б И Л Д И Р Г И

Сизга шуни маълум қиламанки, 2007 йил 15 январь куни соат 16⁰⁰ ларда Ўзбекистон шоҳ кўчаси бўйлаб жамоат тартибини сақлаш хизматини ўтаётганимда «сув ҳавзаси» атрофида 35 ёшлардаги осие миллатига мансуб эркак жинсидаги фуқаро бир аёлни ҳақоратлаб турганлигини, то мен уларнинг олдига етиб боргунимга қадар эркак киши аёлнинг қорнига пичоқ тиқиб олганини, аёл эса йиқилиб қолганининг гувоҳи бўлдим. Дарҳол у йигитни ушлаб, маҳалла побонини чақирдим ва уни воқеа жойини кўриқлаш учун қолдириб, воқеа жойига тез ёрдам чақиртириб, айбланувчини ИИБга олиб келдим. Аниқлашимча, бу фуқаро 1970 йилда Гулистон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ҳеч қаерда ишламаётган, муқаддам судланмаган, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадонда яшовчи Каримов Собир Нурматович экан. Жиноят содир қилиш вақтида ушланган фуқаро Каримов Собир Нурматовичга нисбатан чора кўришингизни сўрайман.

Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ
батальони гуруҳ сардори сержант

С. Т. Ўсаров

Изоҳ: Билдиргига ИИБ бошлиғи томонидан спориш қўйилади.

БАЁННОМА

(Шахсий кўрикдан ўтказиш ва далилий ашёни олиш тўғрисида)

2007 йил 15 январь

Гулистон шаҳри

Мен, Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони гуруҳ сардори сержант С. Ўсаров Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 161-162-моддаларига асосан холислар:

1) Умаров Абдурашид. (Гулистон шаҳри, 4-мавзе, 10-уй, 6-хонадонда яшайди.)

2) Нурматов Халил. (Гулистон шаҳри, 4-мавзе, 18-уй, 6-хонадонда яшайди.)

иштирокида холисларга ЎзР ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда ушбу баённомани қуйидагилар ҳақида туздим: ушбу кун соат 16⁰⁰ ларда Ўзбекистон шоҳ кўчасидаги сув ҳавзаси атрофида Шарипова Ҳалимага пичоқ билан тан жароҳати етказганлиги учун Гулистон шаҳар ИИБга келтирилган фуқаро 1970 йилда Гулистон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ҳеч қаерда ишламаётган, муқаддам судланмаган, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадонда яшовчи Каримов Собир Нурматович шахсий кўрикдан ўтказилганида унинг бошида қора ранг телпак, эгнида жигар ранг чарм куртка, қора рангли костюм шим, қора рангли жемпер, оёғида қора рангли 42 ўлчамли этик борлиги ва курткасининг ички чап чўнтагидан бир дона ғилофга солинган қизил рангга бўялган ўзбек миллий пичоғи борлиги аниқланди ва бу пичоқ ғилофи билан биргаликда далилий ашё сифатида олинди.

Баённома иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди, улардан таклиф, эътироз, қўшимчалар бўлмагач баённома тўғри ёзилди.

Холислар: **А. Умаров**

_____ (имзо)

Х. Нурматов

_____ (имзо)

Баённома тузувчи:

_____ (имзо)

С. Ўсаров

Баённома билан танишдим:

_____ (имзо)

С. Каримов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
ПОДПОЛКОВНИК
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВ

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ҳақида
2-сонли БАЁННОМА

2007 йил «15» январь

_____ Гулистон шаҳар

(қаерда тузилган, туман, шаҳар номи)

Соат «17:20» Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми катта тезкор навбатчиси майор А.Болтаев

_____ (эгаллаб турган лавозими, унвони фамилияси, исми-шарифи)

2007 йил «15» январда соат « 17 » дан « 20 » дақиқа ўтганда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибда, жиноят содир этишда гумон қилиниб, _____ Каримов Собир Нурматович

_____ (Фамилияси, исми-шарифи)

_____ 1970 йил

_____ Гулистон шаҳри

_____ (туғилган вақти, жойи)

_____ ўзбек

_____ Ўзбекистон Республикаси

_____ (миллати, фуқаролиги)

_____ Гулистон ш, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадон, вақтинча ишламайди

_____ (яшаш ҳамда иш жойи)

_____ ушланди.

_____ (тегишлисининг тагига чизилсин)

Ушлаб туриш асослари:

1. Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушган.
 2. Жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тарикасида тўғридан тўғри кўрсатганлар.
 3. Унинг ўзида ёки кийимида ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилган.
 4. Шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочиб кетиши мумкин ёки доимий яшайдиган жойи йўқ, ёхуд шахси аниқланмаган.
- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлар, шу жумладан ҳимоячи олиш ҳуқуқи менга тушунтирилди.

_____ Каримов С.

_____ (ушланган шахснинг Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

Ушланган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси «2»-қисми «а»бандида кўрсатилган оғир тан жароҳати етказиш _____

_____ (мазмун)

жिनоятини содир этганликда гумон қилинади.

Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми катта тезкор навбатчиси

майор А. Болтаев

_____ (баённома тузган шахс лавозими унвони Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

УШЛАНГАН ШАХСНИ ШАХСИЙ ТИНТУВ ҚИЛИШ ҲАҚИДА 1-сонли БАЁННОМА

2007 йил « 15 » январь

Гулистон шаҳар

(шаҳар, туман номи)

Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси майор А.Болтаев

(тинтув ўтказган шахснинг мансаби, унвони, исм-шарифи)

Холислар: 1. Каримов Мурод. (Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 47-уй, 4-хонадон.)

(исм-шарифи, яшаш жойи)

2. Эрбеков Хасан. (Гулистон шаҳри, 4-мавзе, 16-уй, 5-хонадон.)

(исм-шарифи, яшаш жойи)

иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 221-моддаси асосида ушланган Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадонда яшовчи Каримов Собир Нурматовични

(яшаш жойи, Ф.И.Ш)

шахсий тинтув ўтказдим.

Холислар ва тинтув ўтказилаётган шахсга уларнинг ЖПКнинг 48, 74-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди:

1. _____

(имзо)

2. _____

(имзо)

3. _____

(имзо)

Ушланган шахс жигар ранг чарм куртка, қора ранг телпак, қора рангли костюм шим, қора рангли свитер, қора ранг этик.

(эгнидаги кийим-кечаклари)

тинтув натижасида ушланган шахсдан қуйидагилар топилди ва олиб қўйилди: _____ хеч нарса олинмади

Тинтув вақтида қуйидаги ариза ва шикоятлар киритилди _____ тушмади

Ушланган шахс С. Каримов

Холислар: 1. М. Каримов 2. Х. Эрбеков

Тинтув ўтказган шахс А. Болтаев.

Тинтув вақтида олинган буюмлар _____
(сонли жинойт ишига қўшилди)

(мансаби, унвони, Ф.И.О.)

(имзо)

Тинтув вақтида олинган буюмларни қайтариб олдим _____

(Ф.И.Ш анкета маълумотлари)

(имзо)

Тинтув вақтида олинган буюмларни ушланган шахсга қайтардим:

Гулистон шаҳар ИИБ УЖҚва ТҚКГ т/в А.Болтаев

(мансаби, унвони, Ф.И.О.)

(имзо)

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш
ҳақида тузилган «1»-сонли баённомага илова

Х А Б А Р Н О М А

Гулистон шаҳар прокурори
адлия маслаҳатчиси
(туман, шаҳар, унвони Ф.И.Ш.)
А.Мустаев га

2007 йил «15» январда соат «17» дан «20» дақиқа ўтганда

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 221-моддаси тартибида ЖКнинг 104-моддаси
2-қисми «а» бандида кўрсатилган қасдан оғир тан жароҳати етказиш
_____ жиноятини

(жиноятнинг мазмуни)
содир этганликда гумон қилиниб, Каримов Собир Нурматович
(ушланган шахснинг Ф.И.Ш.)
1970 йилда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон
фуқароси, ишламайдиган, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадонда
(туғилган йили, вақти, жойи)
яшовчи _____ ушланди.

(фуқаролиги, ишлаш ва яшаш жойи)
Ушлаш асослари ЎЗР ЖКнинг 104-модда 2-қисми «а» бандида кўрсатилган
жиноятни содир қилган
Ушланган С.Н.Каримов

ИИБнинг вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида сақланмоқда.

Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми
катта тезкор навбатчиси майор А. Болтаев (имзо)
(лавозими, унвони Ф.И.Ш.)
«15» январь 2007 йил _____

Изоҳ: Баённома 3 нусхада ёзилади.

1-нусхаси жиноят иши ҳужжатларига (ушлаш ҳақидаги тузилган ҳуж-
жатларига қўшилади);

2-нусхаси ушланган ёки қамоққа олинган шахснинг шахсий ҳужжатлари
жилдида;

3-нусхаси ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмида сақланади.

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник
Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

1971 йилда Гулистон туманида туғилган, миллати ўзбек, ишламайдиган, муқаддам судланмаган, оилали, қармоғида 2 нафар фарзанди бор, Гулистон шаҳар, 4-мавзе, 10-уй, 6-хонадонда яшовчи Умаров Абдурашид Самадовичдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман: мен юқорида кўрсатилган манзилда яшайман. 2007 йил 15 январь куни тахминан соат 17⁰⁰ ларда Гулистон шаҳар ИИБси жойлашган кўча бўйлаб кетаётганимда милиция ходимлари ИИБга холис сифатида иштирок этишимни таклиф қилишди. ИИБ биносига кирганимда жиноят содир қилганлиги учун ушлаб келтирилган фуқаро Каримов Собирни шахсий кўрикдан ўтказишда холис сифатида иштирок этдим. Текширув пайтида С. Каримовнинг эғнидаги жигар рангли чарм куртқасининг ички чап чўнтагидан ғилофга солинган ўзбек миллий пичоғи борлиги аниқланди ва пичоқ кўздан кечирилганда кўнғир рангли қотган қон доғлари борлигини кўрдик. С. Каримовнинг ўзи сув ҳавзаси атрофида бир аёлни шу пичоқ билан қорнига жароҳат етказганлигини тан олди. Ушбу пичоқ ғилофи билан биргаликда милиция ходимлари томонидан далилий ашё сифатида олинди ва бу тўғрида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Баённомага холис сифатида имзо қўйдим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

А. Умаров

15.01.2007 й.

Тушунтириш хатини олдим:
Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ
батальони гуруҳ сардори сержант

(имзо)

С. Ўсаров

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

1975 йилда Гулистон туманида туғилган, миллати ўзбек, ишламайдиган, муқаддам судланмаган, оилали, қарамоғида 2 нафар фарзанди бор, Гулистон шаҳар, 4-мавзе, 18-уй, 6-хонадонда яшовчи Нурматов Халил Соибовичдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман: мен юқорида кўрсатилган манзилда яшайман. 2007 йил 15 январь куни тахминан соат 17⁰⁰ ларда Гулистон шаҳар ИИБга терговчига гувоҳ тариқасида сўроққа келдим. Милиция ходимлари холис сифатида иштирок этишлик учун таклиф қилишди. ИИБ биносига кирганимда жиноят содир қилганлиги учун ушлаб келтирилган фуқаро Каримов Собирни шахсий кўрикдан ўтказишда холис сифатида иштирок этдим. Текширув пайтида С. Каримовнинг эғнидаги жигар рангли чарм куртқасининг ички чап чўнтагидан ғилофга солинган ўзбек миллий пичоғи борлиги аниқланди ва пичоқ кўздан кечирилганда кўнғир рангли қотган қон доғлари борлигини кўрдик. С. Каримовнинг ўзи сув ҳавзаси атрофида бир аёлни шу пичоқ билан қорнига жароҳат етказганлигини тан олди. Ушбу пичоқ ғилофи билан биргаликда милиция ходимлари томонидан далилий ашё сифатида олинди ва бу тўғрида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Баённомага холис сифатида имзо қўйдим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

Х. Нурматов

15.01.2007й.

Тушунтириш хатини олдим:
Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ
батальони гуруҳ сардори сержант

С. Ўсаров

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВга

1970 йилда Гулистон шаҳрида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ҳеч
қаерда ишламаётган, муқаддам судланмаган,
Гулистон шаҳри, 3-мавзе, 18-уй, 5-хонадонда
яшовчи Каримов Собир Нурматовичдан

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман: мен юқорида кўрсатилган манзилда яшайман. 2007 йил 15 январь куни тахминан соат 17⁰⁰ ларда Гулистон шаҳар Ўзбекистон шоҳ кўчаси бўйлаб кетаётганимда «сув ҳавзаси» атрофида собиқ турмуш ўртоғим Шарипова Ҳалимани учратиб қолдим. У болалар учун нафақа пулини бермаяпсан деб, мени уят сўзлар билан ҳақорат қилиб, ёқамдан ушлаб қўли билан юзларимга ура бошлади, мен ундан шаллақиликни бас қилишини илтимос қилдим, у эса аксинча мени уришни давом эттирди, шунда жаҳлим чиқиб, ўзимни тўхтатаолмай ёнимда олиб юрган пичоқ билан унинг қорнига икки марта урдим, у ерга йиқилди, шу пайт милиция ходими келиб қолиб, мени ушлаб милицияга келтирди. Милиция ходими томонидан текшириш ўтказилганида эгнимдаги жигар рангли чарм куртканинг ички чап чўнтагидан ғилофга солинган ўзбек миллий пичоғи борлиги аниқланди ва пичоқ кўздан кечирилганда қўнғир рангли қотган қон доғлари борлиги маълум бўлди. Шу пичоқ билан Ҳ. Шарипованинг қорнига жароҳат етказганлигимни тан оламан. Ушбу пичоқ ғилофи билан бирга милиция ходимлари томонидан далилий ашё сифатида олинди ва бу тўғрида ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

С. Каримов

15.01.2007 й.

Тушунтириш хатини олдим:
Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ
батальони гуруҳ сардори сержант

С. Ўсаров

Қ А Р О Р

(Ушлаб туриш ҳақида)

2007 йил 22 декабрь

Гулистон шаҳри

Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармасининг катта терговчиси
подполковник Н.Т.Амарбакиев., 28/336 сонли жиноят иши
материалларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

2007 йил 13 октябрь куни соат 10⁰⁰ ларда Оқ олтин тумани собиқ «К.Укубаев» номли ширкат хўжалигида жойлашган «Жўра-оқсоқол» фермер хўжалиги ҳудудида фуқаро Балкиев Кайрат Базарбаевич шу хўжалик ҳудудидаги товукхонасини бузганлиги сабабли фуқаро Юлдашев Бахтиёр Толипович билан жанжал қилиб, оқибатда Юлдашев Бахтиёрнинг баданига ва бошига қўллари билан бир неча мартаба уриб ва оёғи билан тепиб, унга тан жароҳатлари етказган.

2007 йил 22 октябрь куни олган тан жароҳатлари асорати натижасида Б. Юлдашевнинг соғлиғи ёмонлашиб шифохонага ётқизилади, лекин унга кўрсатилган муолажаларга қарамасдан вафот этган.

Оқ олтин туманлараро суд – тиббий экспертизасининг 2007 йил 30 октябрдаги 22-сонли хулосасига кўра, Б. Юлдашевнинг ўлимига бош миянинг оғир даражада лат ейиши ҳамда мия қоринчаларига қон қуйилиши сабаб бўлганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, К. Б.Балкиев фуқаро Б. Юлдашевнинг ўлимига сабаб бўлган ҳаёти учун хавfli оғир тан жароҳати етказиб, ўзининг қасддан қилган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Фуқаро К. Б.Балкиев томонидан содир қилинган жиноятнинг оғирлигини ва бундан кейин тергов ва суддан бўйин товлаши мумкинлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси қўлланилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. 1980 йил 25 сентябрда Оқ олтин туманида туғилган, қозоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, Оқ олтин туманидаги «Жўра-оқсоқол» фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишловчи, депутат бўлиб сайланмаган, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, Оқ олтин тумани Сардоба қўрғони, Ч. Валихонов кўчаси, 16-уй, 2-хонадонда яшовчи фуқаро Балкиев Кайрат Базарбаевич ушлансин ва бу ҳақда унга эълон қилинсин.

2. Фуқаро К.Б.Балкиевни ушлаб туриш Гулистон шаҳар ИИБ ВСХ бошлиғига юклатилсин.

Терговчи:

Н. Т. Амарбакиев

Ушбу қарор менга таништирилди:

К. Б. Балкиев

2007 йил 22 декабрь

Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 1997 йил
20 ноябрдаги 223-сонли буйруғига илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи
подполковник

Р. ХУДОЙБЕРГЕНОВ

**Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ҳақида
1-сонли БАЁННОМА**

2007 йил «5» январь

Гулистон шаҳар

(қаерда тузилган, туман, шаҳар номи)

соат «10²⁰»

Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми катта тезкор навбатчиси майор А.Болтаев

(эгаллаб турган лавозими, унвони фамилияси, исми-шарифи)

2007 йил «5» январда соат «10» дан «20» дақиқа ўтганда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибда, жиноят содир этишда гумон қилиниб, Кубаев Иброҳим Лутфуллаевич

(Фамилияси, исми-шарифи)

1979 йил Самарқанд шаҳри

(туғилган вақти, жойи)

Ўзбек, Ўзбекистон Республикаси

(миллати)

(фуқаролиги)

Самарқанд вилояти Челақ шаҳри, Ойбек кўчаси, 4-уй

(яшаш ҳамда ишлаш жойи)

ушланди.

Ушлаб туриш асослари:

(тегишлисининг тагига чизилсин)

1. Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушган.
2. Жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан тўғри кўрсатганлар.
3. Унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилган.
4. Шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочиб кетиши мумкин ёки доимий яшайдиган жойи йўқ, ёхуд шахси аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлар, шу жумладан ҳимоячи олиш ҳуқуқи менга тушунтирилди.

Кубаев И.

(ушланган шахснинг Ф.И.Ш.)

(имзо)

Ушланган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси «2»-қисми «г»бандида кўрсатилган безорилик

(мазмун)

жиноятни содир этганликда гумон қилинади.

Гулистон шаҳар ИИБ УЖК ва ТҚКГ тезкор вакили лейтенант А.Элибоев

(баённома тузган шахс лавозими унвони Ф.И.Ш.)

(имзо)

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ҳақида тузилган «1»-сонли баённомага илова

Х А Б А Р Н О М А

Гулистон шаҳар прокурори
адлия маслаҳатчиси
(туман, шаҳар унвони Ф.И.Ш.)
А. Мустаевга

2007 йил «5» январда соат «10» дан «20» дақиқа ўтганда

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 221-моддаси тартибида ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «г» бандида кўрсатилган безорилик

_____ жиноятни
(жиноятнинг мазмуни)

содир этганликда гумон қилиниб, Кубаев Иброҳим Лутфуллаевич
(ушланган шахснинг Ф.И.Ш.)

1979 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ишламайди, Самарқанд вилояти, Челак шаҳри, Ойбек кўчаси, 4-уйда яшовчи
(туғилган йили, вақти, жойи)

_____ ушланди.
(фуқаролиги, ишлаш ва яшаш жойи)

Ушлаш асослари ЎЗР ЖКнинг 277-модда 2-қисми «г» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган

Ушланган И.Л.Кубаев

ИИБнинг вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида сақланмоқда.

Гулистон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми
катта тезкор навбатчиси майор

(лавозими, унвони)

А. Болтаев
(Ф.И.Ш.)

2007 йил «5» январь

Изоҳ: Баённома 3 нусхада ёзилади

1-нусхаси жиноят иши ҳужжатларига (ушлаш ҳақидаги тузилган ҳужжатларига қўшилади);

2-нусхаси ушланган ёки қамоққа олинган шахснинг шахсий ҳужжатлари жилдида;

3-нусхаси ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмида сақланади.

Фуқаро Балкиев Кайрат Базарбаевични
қамоққа олишга

« Р У Х С А Т Б Е Р А М А Н »

Сирдарё вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси
Э. Т. Йўлдошев

(имзо ва муҳр)

2007 йил «22» декабрь

**Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақида
ҚАРОР**

2007 йил 22 декабрь

Гулистон шаҳри

Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармасининг катта терговчиси
подполковник Н.Т.Амарбакиев 28/336 сонли жиноят иши
материалларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

2007 йил 13 октябрь куни соат 10⁰⁰ ларда Оқ олтин тумани собиқ
«К.Укубаев» номли ширкат хўжалигида жойлашган «Жўра-оқсоқол»
фермер хўжалиги ҳудудида фуқаро Балкиев Кайрат Базарбаевич шу
хўжалик ҳудудидаги товукхонасини бузганлиги сабабли фуқаро
Юлдашев Бахтиёр Толипович билан жанжал қилиб, оқибатда Юлдашев
Бахтиёрнинг баданига ва бошига қўллари билан бир неча маротаба уриб
ва оёғи билан тепиб, унга тан жароҳатлари етказган.

2007 йил 22 октябрь куни олган тан жароҳатлари асорати
натijasида Б. Юлдашевнинг соғлиғи ёмонлашиб шифохонага ётқи-
зилади, лекин унга кўрсатилган муолажаларга қарамасдан вафот
этган.

Оқ олтин туманлараро суд-тиббий экспертизасининг 2007 йил 30
октябрдаги 22-сонли хулосасига кўра, Б. Юлдашевнинг ўлимига бош
миянинг оғир даражадаги лат ейиши ҳамда мия қоринчаларига қон
қуйилиши сабаб бўлганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, К.Б. Балкиев фуқаро Б. Юлдашевнинг ўлимига
сабаб бўлган ҳаёти учун хавфли оғир тан жароҳати етказиб, ўзининг
қасддан қилган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

104-моддаси 3-қисми «д» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Фуқаро К.Б.Балкиев томонидан содир қилинган жиноятнинг оғирлигини ва бундан кейин терговда бўйин товлаши мумкинлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 236,240,242,244-моддалари қўлланилиб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Айбланувчи Балкиев Кайрат Базарбаевич, 1980 йил 25 сентябрда Оқ олтин туманида туғилган, қозоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, Оқ олтин туманидаги «Жўра-оқсоқол» фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишловчи, депутат бўлиб сайланмаган, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, Оқ олтин тумани Сардоба кўрғони, Ч. Валихонов кўчаси, 16-уй 2-хонадонда яшовчи эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинсин ва бу ҳақда унга эълон қилинсин.

2. Ушбу қарор нусхаси ижро учун Ховос кўрғонидаги 13-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиғига юборилсин.

Терговчи:

Н. Т. Амарбакиев

Ушбу қарор менга таништирилди:

К. Б. Балкиев

А Ж Р И М

2007 йил 20 ноябрь кунда Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик этувчи: Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди раиси Н. А. Қаршибоев О. Ҳасанованинг котиблигида, Гулистон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Х. Мусаевнинг иштирокида ЎзР ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «г» банди билан Кубаев Иброҳим Лутфуллаевични айблаш ҳақидаги 1-344/01-сонли жиноят ишини кўриб,

АНИҚЛАДИМ:

Дастлабки тергов материалларига кўра Кубаев Иброҳим ЎзР ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «г» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилишда айбланиб, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган.

Ушбу жиноят ишини суд муҳокамасида кўриб чиқиш 2007 йил 10 ноябрь куни соат 10⁰⁰ га белгиланган бўлиб, судланувчи Кубаев И. ўз вақтида суд муҳокамасига етиб келиши тўғрисида чақирув қоғози билан огоҳлантирилган бўлишига қарамай, ҳеч бир асосиз судга келмади ва оқибатда жиноий ишни суд муҳокамасида кўриш 2003 йил 15 ноябрь кунига қолдирилди ҳамда такрорий равишда судланувчи Кубаев Иброҳим 2003 йил 20 ноябрь кунига суд муҳокамасига иштирок этиши учун чақирув қоғози билан таклиф қилинди. Лекин судланувчи И. Кубаев шу куни ҳам ҳеч бир асосиз суд муҳокамасига келмади.

Суд томонидан судланувчи И. Кубаевни суд муҳокамасига келтириш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилган бўлиб, текширув мобайнида судланувчи И. Кубаев муносиб хулқ-атворда бўлиши тўғрисидаги тилхат талабларини қўпол равишда бузиб, ўзининг доимий яшаб турган уйида яшамаётганлиги, унинг қаердалиги ва қаерда яшаётганлиги номаълум эканлиги аниқланиб, уни суд муҳокамасига келтириш имконияти бўлмади.

Судланувчи И. Кубаев томонидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси талаби қўпол равишда бузилганлиги учун ЎзР ЖПКнинг 410-моддасига мувофиқ унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси қамоқ жазоси билан ўзгартирилиши, унга нисбатан қидирув эълон қилиниши, жиноят иши бўйича суд жараёнини судланувчи топилгунга қадар тўхтатилиши, жиноят иши эса қидирув

ишларини назорат қилиш мақсади учун Гулистон шаҳар прокуратурасига юборилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан, ЎзР ЖПКнинг 399, 242, 410, 420, 423-моддалари қўлланилиб,

АЖРИМ ҚИЛДИМ:

Фуқаро Кубаев Иброҳим Лутфуллаевични ЎзР ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «г» банди билан айбланиш тўғрисидаги жиноят иши бўйича олиб борилаётган суд жараёни судланувчи топилгунга қадар тўхтатилсин, судланувчи Кубаев Иброҳим Лутфуллаевичга нисбатан эҳтиёт чораси қамокқа ўзгартирилсин, жиноят иши қидирув ишларини назорат қилиш учун Гулистон шаҳар прокуратурасига юборилсин.

Судланувчи Кубаев Иброҳим Лутфуллаевич (1979 йилда Самарқанд вилояти Челақ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти Челақ шаҳри, Ойбек кўчаси, 4-уйда яшовчи) га нисбатан қидирув эълон қилинсин.

Ушбу ажримнинг нусхаси Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғига ижро қилиш учун юборилсин.

Ажрим юзасидан 10 кунлик муддатда Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди орқали апелляция тартибида протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи: Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди раиси **Н. А. Қаршибоев**

Ички ишлар органига олиб келинган шахсларни ҳисобга олиш китобининг ички варағи

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган вақти ва жойи	Яшаш манзилгоҳи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат серияси ва тартиб рақами, Ким томондан ва қачон берилган	Ишлаш жойи, (ўқиш жойи) лавозими	Олиб келинганлигининг сабаби (қачон, қаерда, қандай шароитда ҳуқуқ бузган)	Ким томондан олиб келинган	Қачон олиб келинган (кун ва соати)	Шахсий текширув натижаси ҳақида баённома, унинг рақами	Олиб келинган қандай чора кўрилди ёки қаерга юборилди	Кўйиб юборилган (жўнатиш) кун ва вақти
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Норматов Икром Усмонович	1980 й. Сирдарё тумани	Сирдарё ш. Ёшлик кўчаси, 55-уй. Паспорт СС 0021787. Сирдарё тум. ИИБдан 03.08.2001 йил берилган	Вақтинча ишламайди	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵ да Сирдарё ш. деҳқон бозорида ЎзР.МЖКнинг 183-м. 1-қисми диспозициясини бузганлиги учун	Профилактика инспектори Мирзаев Ш.	11.03.2007 й. Соат 19 ⁰⁵	1-рақамли баённома	Туман судига чора кўриш учун юборилди чиқиш № 18 12.03.2007 й.	11.03.2007 й. Соат 20 ³⁰ да
2	Ашуров Усмон	1960 й. Фарғона вилояти	Яшаш жойининг тайини йўқ	Дайди	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵	Профилактика инспектори Примов Б.	14.01.2007 й. Соат 12 ⁰⁵ да	2-рақамли баённома	ППХ ва ЖТСБ РЭМга юборилди	14.01.2007 й. Соат 14 ³⁰ да
3	Кубаев Иброҳим Лутфуллаевич	1979 й. Самарканд вилояти Челақ ш.	Челақ шаҳар Ойбек кўчаси, 4-уй Паспорт СН 0215418 Челақ ш. ИИБдан 03.05.1997 йил берилган	Вақтинча ишламайди	Жиноят содир этиб кидирувда бўлганлиги учун	ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили Лутфуллаев	5.01.2007 й. Соат 17 ¹⁵ да	ЖПКнинг 221-моддаси бўйича 3-рақамли		

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш	3
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ҚИЛГАН ШАХСНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ	5
Маъмурий тартибда ушланган шахсларни озод қилиш асослари ва тартиби.....	7
Маъмурий тартибда ушланган шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.....	8
Маъмурий қамоққа олиш (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 29-моддаси).....	9
ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар намуналари.....	10
ШАХСИ НОМАЪЛУМ ВА ДАРБАДАРЛИК, ТИЛАМЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИИБГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ	33
ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар намуналари.....	36
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИГА КЕЛТИРИШ, УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ	46
ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар намуналари.....	54
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ УШЛАБ ТУРИШ ВА ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, МУДДАТЛАРИ	63
Ушлаб турилганларни озод қилиш асослари ва тартиби (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 234-моддаси асосида).....	66
ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар намуналари.....	68

**ШАХСИ НОМАЪЛУМ, ХУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТ
СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИГА
ОЛИБ КЕЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, САҚЛАШ МУДДАТИ
ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР**

Методик қўлланма

Мухаррир
Б. Эргашев

Техник муҳаррир
А. Юлдашев

Босишга рухсат этилди 04.2007 й. Нашр-ҳисоб табоғи 5,5
Адади нусха. Буюртма № Келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.